Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 176 (3677)
ЖУМА
4 АВГУСТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Саврниннсо Уразамбетова «Учқун» тўқимачилик галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасида 20 йилдан бери самарали меҳнат қилиб келади. У беш йиллик топшириқни тўрт йилда бажаришга аҳд қилган. Аҳдига вафодор ишчи ҳозирги кунда смена топшириқларини 120 процентга етказиб адо этмоқда.

СУРАТДА: С. Уразамбетова ўз дастгоҳи ёнида.

Р. Загратдинов фотоси.

Каждому трудовому дню — знак качества!

КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленуми қарорлари — амалда

ҚИШЛОҚҚА — САМАРАЛИ ЁРДАМ

- «Оқ олтин» йиғим-теримига — янги техника
- Ишчиларнинг самарали мадади
- Зарбдор меҳнат учун — Қизил байроқ

МУНОСИБ ҲИССА

КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми материаллари «Миконд» заводи коллективида янги меҳнат кўтаринкилигини юзага келтирди. 2-цехда йиғилиш бўлиб, унда Марказий Комитет Пленуми қарорлари муҳокама қилинди. Коллектив асосий ишлаб чиқариш бўйича топшириқларни бажариш билан бирга Ўзбекистон, Қирғизистон ва РСФСРнинг паррандачилик фермаларига юборилаётган буғ ёрдамида совитиш кондиционерлари (КИО—12,5А) ишлаб чиқариш билан шуғулланяпти. Мутахассислар таъкидлашича, биноларга тоза ҳаво киришини, ҳарорат ва намликни бир маъромга солувчи кондиционерларнинг ўрнатилиши жўжаларнинг ўсишига, товуқларнинг яхши тухумлашига қулай шароит яратади.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари муҳокама қилинганда коллектив меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш ва янада яхшилаш масаласини диққат марказида тутди. Жумладан, йиғилишда сўзлаган участка мастери Д. Арслонов шуни таъкидладики, ҳозирги пайтда кондиционерлар ишлаб чиқариш мустаҳкам саноат-технология заминига қўйилган, кеpакли мосламалар тайёрланиб, ишловдан чиқарилди. Ҳозирги вазифа оз маблағ сарфлаб, кўплаб юқори сифатли агрегат ишлаб чиқаришни таъминлашдан, юксак меҳнат самарадорлигига эришишдан иборатдир.

Булар ҳаммаси шу кун талабларига, паррандачиликни комплекс механизациялаш тадбирларига жавоб беради.

Мана, бунинг якуни. А. Беляев бошлиқ бригада етти ойлик планни муддатидан илгари бажариб, топшириққа қўшимча 60 га яқин кондиционер тайёрлади. Бу маҳсулот учинчи-тўртинчи квартал ҳисобидан паррандачилик фермаларига юборилади.

Приборсозлар Сирдарё областининг Оқолтин районидаги партия XXIII съезди номли совхозга катта ёрдам кўрсатяпти. Бу йил хўжаликка корхона директори У. Умаров, унинг ўринбосари С. Обидов, партия кабинети мудири О. Малюшко, завод алоқа узели бошлиғи Э. Нурмуҳамедов бориб келдилар. Улар хўжаликнинг ўзида деҳқонларнинг эҳтиёжларини ўрганишди. 1978 йилдаги оталиқ ёрдами бўйича шартнома тузилди. Совхозга техника, зарур моддий ресурслар юбориш белгиланди.

Пичан ўрими мавсумида приборсозлар хўжаликка Ф. Ҳамдамов бошчилигида иккита автоустахона юбордилар. Бу автоустахоналар қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилишда қишлоқ меҳнаткашларига яқиндан ёрдам беришди.

Заводнинг 30 ишчиси 500 тонна дағал хашак тайёрлади. Совхозга талайгина асбоблар, металл, бўёқ ва бошқа материаллар етказиб берилди.

Совхоздаги маданият саройини радиолаштириш, партия комитети хоналарини кўргазмали агитация воситалари билан безаш белгиланди. Завод бадиий ҳаваскорлари қишлоққа бориб концертлар беришади.

А. ФОЗИЛБЕКОВ,
«Миконд» заводи партия комитетининг секретари.

ЮКСАК ПРОГРАММА АСОСИДА

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 5-механика-йиғув цехида ишлар жуда ҳам қизғин. Чунки июль ойида цех коллективи 260 та модернизациялаштирилган УПХ—1,5В маркали кўсак чувиш машиналарини буюртмачиларга топширишлари керак. Бу агрегатлар подбор териш ва кўрак чувиш машиналарида йиғилган пахтани тозалашга мўлжалланган. УПХ — 1,5В кўсак чувиш агрегатининг аввалгиларидан фарқи шундаки, янги технология бўйича у пахтани 2—3 баравар кам чиқитга чиқаради.

...Биз цех партия ташкилоти секретари О. Р. Мильхерт билан кўрак чувиш машиналарини йиғиш конвейери ёнидамиз. Бу ерда комплекслашган бригада меҳнат қилмоқда. Ишчилар деталь ва узелларни йиғишмоқда. Агрегат рамаси эса секин-аста «тўлишиб» боряпти. Мана ниҳоят кўрак чувиш агрегати «пардозга» ҳам тайёр бўлди.

— Бу машиналарни мамлакатимизнинг пахтачилик республикалари меҳнатчилари жуда интизорлик билан кутишяпти,— дейди О. Р. Мильхерт. — Куни кеча цехда очиқ партия йиғилиши бўлиб, унда ишчилар КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг X Пленуми қарорларидан келиб чиқиб, ўз олдиларига қўйилган вазифаларни ҳам муҳокама қилдилар. Улар шу куни кўрак чувиш агрегатлари ишлаб чиқариш бўйича ўз олдиларига қўйилган масъулиятли топшириқни қандай бўлмасин, бажаришга аҳд қилдилар.

Йиғув участкасининг катта мастери Б. А. Пертая шундай дейди:

— Бизда тажрибали ишчилар-йиғувчи слесарлар А. Зюков, Ш. Ражабов, Д. Раҳимов, В. Лазович ва ёш ишчилардан А. Фром, А. Кардаш, П. Шуликинлар меҳнат қилишяпти. Масалан, Шуликин бирлашмага бир йил муқаддам келган эди, ҳозирда у юксак малакали мутахассислар сафидан ўрин олди.

Ҳар бир йиғувчи биргина эмас, балки бир қанча операцияларни эгаллаб олган. Агар бирор кор-ҳол бўлса, улар ўз ҳамкасбининг ўрнини билдирмайди. Кўпчилик учун смена топшириқларини 120—130 процент адо этиш оддий кундалик нормага айланиб қолди.

Борис Петрович Пертаянинг ўзи бирлашмада 17 йилдан бери меҳнат қилиб келяпти. 8 йил муқаддам уни коммунист сифатида энг оғир участкалардан бирига мастер қилиб қўйишганди. Ҳозирда эса бу ерда тўла тартиб ўрнатилган. Албатта, бунда унинг ҳиссаси бор.

Шу кунларда бирлашманинг бошқа цехлари коллективлари ҳам зарбдорона меҳнат қилишмоқда.

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси муҳим давлат топшириғи — планга қўшимча анчагина миқдорда кўсак чувиш, подбор териш, чанглагич-пуркагич, ғўзапоя юлувчи ва уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш топшириғини олди. Фақат йилнинг охиригача кўсак чувиш агрегатларидан 1800 тадан ортиғи ишлаб чиқарилади.

Коллективни қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқариш бўйича ўз олдига қўйган вазифаларни муваффақиятли бажаришда социалистик мусобақа катта роль ўйнайди. Корхонада эса бу «Қолоқларсиз ишлайлик» шиори остида қизғин ўтмоқда.

И. ГОНОШИЛИНА.

ЁШЛАР ҲИММАТИ

Тошкент электр машинасозлик заводи коллективи бу йил Сирдарё область Пахтакор районидаги «Қизил тўқимачи» совхозига ҳар томонлама оталиқ ёрдами кўрсатмоқда. Завод меҳнат аҳли совхозга битта электр пайвандлаш трансформаторини совға этди. Шунингдек, уч нафар слесарь совхоздаги мавжуд техникани ремонт қилишда жонбозлик кўрсатиб, чўлқуварларнинг олқишига сазовор бўлди.

Айниқса, «қизил тўқимачи»ликлар завод комсомол-ёшларидан жуда хурсанд бўлишди. Ўн беш нафар комсомол-ёш дағал хашак жамғаришда жонбозлик кўрсатиб, совхоз чорваси учун бир неча ўн тонна озуқа жамғариб берди.

Тошкентлик машинасозлар совхозга қирқув асбоблари ва бошқа асбоб-ускуналар ҳам жўнатиб турибди. Шу кунгача жўнатилган асбоб-ускуналар 200 сўмликдан ошиб кетди.

Тошкент трактор заводи. Мамлакатимизнинг пахтакор республикаларида ҳадемай «оқ олтин» терими бошланади. Мана шу терим арафасидаги кунларда пахтачилик учун мўлжалланган Т—28Х4 ва МТЗ—80Х маркали тракторлар юк ортиш майдончаларига узлуксиз келиб турибди.

Қишлоқ хўжалик машиналари комплексининг ушбу энергетик агрегатлари муттасил такомиллашиб боряпти. Шу йилнинг фақат ўтган етти ойи ичида мамлакатимиз деҳқонларига 14 мингдан зиёд агрегат етказиб берилди.

СУРАТДА: янги тракторларни жўнатиш пайти.

М. Нуриддинов фотоси.

МЕҲНАТ СЕМЕСТРИ

БАЛЛИ, СТУДЕНТЛАР!

Ўзбекистон пойтахти студентлари учинчи меҳнат семестрида қурувчиларнинг, колхоз ва совхозларнинг коллективларига яқиндан ёрдам беряпти. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат медицина институти биринчи даволаш факультетининг студентлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Уларнинг аксарияти РСФСРнинг ноқоратупроқ зонасида меҳнат қилиш учун Иваново областига жўнаб кетди, бир қисми Тошкент қурилишларида меҳнат қиляпти. Яна 130 киши Тошкент область Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли аграр-ишлаб чиқариш бирлашмаси деҳқонларига мева ва сабзавотларни йиғиштириб олишда ёрдам беряпти.

— Бизнинг отрядимиз, — деб ҳикоя қилади унинг раҳбари С. Бобоев, — ўзаро мусобақадош уч командага бўлинган. Отряд жангчилари ҳар куни 200—250 килограммдан мева йиғяптилар. Д. Эшқозоқова, Г. Икромова ва бошқалар кундалик топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажариб, бошқаларга ўрнак бўлишяпти. Командалар ўртасида ассистент Э. Ф. Амиров бошлиқ коллектив энг юқори кўрсаткичга эришяпти. Ушбу отряд ҳар куни 25—30 тонна мева теряпти.

Отряддан биз Усмон Юсупов номли аграр-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош агрономи Адҳам Аҳмаджонов билан бирга қайтдик. Йўл-йўлакай Сибирь ва Узоқ Шарқ шаҳарларига жўнатиш учун олма терилаётган боғда бўлдик. Адҳам Аҳмаджонов яшчиклардаги олмаларнинг сифатини текшириб қониқиш ҳосил қилди.

— Балли, студентлар! Юксак унум билан, сифатли меҳнат қилишяпти, — деди у.

Д. ОСТРИЦКИЙ.

ҒАЛЛАКОРЛАР БИЛАН ЁНМА-ЁН

БУГУН

шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестининг автомобилчилари ғалла ўрими бошланганидан бери Жиззах областининг хўжаликларида хирмонларга 150 минг тонна ғалла ташидилар. 40 минг тонна буғдой ва арпа тайёрлов пунктларига етказиб берилди.

2502-автоколонна ҳайдовчилари Ғаллаорол районининг ғаллазорларида ўрим-йиғим мавсумида катта меҳнат муваффақиятларини қўлга киритдилар. Бу коллектив Ғафур Ғулом номли совхоз деҳқонларига давлат планини муддатидан илгари уддалашда ёрдам беришди. Республика областлари, районлари, совхозлари ва автоколонналари ўртасидаги социалистик мусобақанинг июлнинг биринчи ўн кунлигидаги якуни бўйича давлатга ғалла сотишда, уруғлик фондини ғамлашда ва ғалла ташишда 2502-автоколоннаси коллективи Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар.

3-автокомбинат ҳайдовчилари намуна кўрсатишди. Улар 1-«Ғаллаорол» совхози деҳқонларига хизмат кўрсатиб, дала — комбайн — автомашина — тайёрлов пункти системаси бўйича транспорт конвейерини аъло даражада ташкил этиб, июль ойининг иккинчи ўн кунлиги бўйича кўчма Қизил байроққа сазовор бўлдилар.

Ҳозир бу коллективлар, жумладан 103. 127-автокорхоналарнинг коллективлари ўзларининг ишчи бурчларини шараф билан бажариб, Тошкентга қайтиб келишди.

Бахмал, Зомин ва Ғаллаорол районларида эса ҳамон дала ишлари давом этяпти. Бу ерда тошкентлик автомобилчилар кун чиққандан кун ботгунча меҳнат қилишади. Тошкент автомобиль трестининг 150 дан ортиқ машинаси 78 йил ҳосилини хирмонга ва тайёрлов пунктларига ташиш билан банд.

Қурилиш майдонида

УЙ ТЎЙЛАРИ ЯҚИН

Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармаси «Жилстрой» трестининг қурувчилари «Марказ — 26» кварталида турар жойлар ва маданий-маиший биноларни тезкорлик билан бунёд этишмоқда.

Массивда ҳар бири 32 хонадонга мўлжалланган иккита турар жой биносининг умумий қурилиш ва пардоз ишлари тугалланди.

Айни кунларда объект атрофида ободонлаштириш ишлари жадаллик билан адо этилмоқда. «Ташинжстрой» трести 10-қурилиш бошқармасининг ободонлаштирувчилари объектда ер текислаш, асфальт ётқизиш, ариқларга бетон новлар ўрнатиш каби ишларни амалга оширишмоқда.

АҲОЛИ ТУРАР ЖОЙЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР КУЧАЙТИРИЛСИН

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетида пойтахт идеология муассасалари раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда аҳоли турар жойларида, маҳаллаларда сиёсий-тарбиявий ишларнинг аҳволи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Аҳоли турар жойларида сиёсий-тарбиявий ва оммавий-маданий ишларни кучайтириш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Кенгашда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. Ф. Солдатов сўзга чиқди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 3 август куни Қримда Совет Иттифоқида дам олаётган Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Герек билан учрашди.

Икки қардош партия ҳал этиш устида ишлаётган вазифалар тўғрисида ўзаро ахборот алмашилди.

● Кеча Сирдарё область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленумда область коммунистлари, барча меҳнаткашларнинг партия Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларидан ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисидаги доклададан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида «Куба фестиваль мамлакати» деб аталган оммавий-сиёсий ўқишлар бўлиб ўтди. Бу тадбир Озодлик оролида бўлиб ўтаётган студентлар ва ёшлар XI жаҳон фестивалига бағишланди.

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа боғлаш жамиятининг ходими Р. Эрматов Куба республикаси ҳақида, фалсафа ва ҳуқуқ илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими В. А. Аулов фестиваллар бўлиб ўтган мамлакатлар ҳақида гапириб бердилар.

Тошкент шаҳар комсомол комитети ва шаҳар «Билим» жамияти правлениеси ўтказган бу тадбирда ҳозирги пайтда шаҳримиз қурилишларида қатнашаётган Польша, Чехословакия, ГДР, Югославия олий ўқув юртларининг ёшлари ҳам қатнашдилар.

●

Тошкент область касаба союзлари Советида коммунистик меҳнат мактаблари пропагандистлари, методистлари ва раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда область касаба союзлари Советининг секретари М. И. Сафаров «Коммунистик меҳнат мактабларининг 1977—78 ўқув йилидаги фаолияти ва янги ўқув йилидаги вазифалари» ҳақида доклад қилди.

Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳри ва областида 2870 та коммунистик меҳнат мактаблари ишлаб турибди. Ўтган ўқув йилида уларда 76 минг киши таълим олди.

Кенгашда энг яхши пропагандистлар, методика советларининг раислари ва мактабларнинг раҳбарлари иш тажрибаларини ўртоқлашдилар. Пропагандистлар ва раҳбарларнинг катта группасига фахрий ёрлиқлар ҳамда совғалар топширилди.

Бугун

I Май кўчасида «Узгипротехбит» лойиҳа институти янги биносининг 7-қаватида каркасларни монтаж қилиш тугалланди. Ана шу нодир иншоотнинг қурилишини «Висотстрой» трестининг 69-қурилиш бошқармасидаги Н. Файзуллаев бошлиқ комплекслашган бригада коллективи олиб бормоқда. Қурилиш объектида дурадгор А. Даминов, пайвандловчи А. Сорокин кундалик топшириқларини 120—125 процентдан адо этиб, қурилиш ишларини жадаллаштирмоқдалар. Улар ўзларининг байрамларини муносиб совғалар билан кутиб олиш мақсадида планга қўшимча 4 минг сўмлик иш бажаришга аҳд қилишган.

●

Халқлар дўстлиги проспектининг Ҳамза метрополитени станцияси олдидаги 9 қаватли 6-уйда янги китоблар магазини очилди.

«Академкнига»га қарашли бу магазин 150 квадрат метр сатҳли фойдаланиш майдонидан иборат бўлиб, унда еттита бўлим бор. Бу ерда мамлакатимизда чиқарилган барча фанларга оид илмий ва оммабоп китобларни сотиб олиш мумкин. Харидорлар диққатига фалсафа, социология, тарих, экономика, давлат ва ҳуқуқ, математика, механика, адабиётшунослик ва бошқа соҳаларга доир жуда кўп номда китоблар тақдим қилинмоқда.

Ҳозирги пайтда шаҳримизда «Академкнига»нинг ана шундай учта магазини ишлаб турибди. Уларда бир йилнинг ўзида 300 минг сўмлик илмий китоблар сотилмоқда.

●

Тошкент область касаба союзлари Совети ва кино ҳаваскорлар клуби эълон қилган ҳаваскорлик фильмларининг конкурси тематикаси совет кишиси, унинг тинч яратувчилик меҳнати, дам олиши, халқлар дўстлигини тараннум этишдан иборат.

Шу билан «Олтин куз» деб аталган ҳаваскорлик фильмларининг фестивали учинчи марта ташкил қилинмоқда. Анъанага айланиб бораётган бу кино кўриги ҳар йили кўплаб қатнашчиларни жалб этмоқда. Аввалгидек маданият уйлари ва саройлари, корхоналар, қурилишлар, олий ўқув юртлари, мактаблар, якка ҳаваскорлар ана шу конкурсда ўзларининг яратган янги картиналарини намойиш қиладилар. Ғолибларни дипломлар, ёрлиқлар пул мукофотлари кутмоқда.

●

Бутуниттифоқ халқ истеъмоли энг яхши моллари намуналари павильонининг Ўзбекистон филиали адресига бир неча юз номда тайёр буюмларнинг намуналари олинди. Улар галантерея, тикувчилик, уй-рўзғор ва бошқа моллардир.

560 дан зиёд кийим-кечаклар, пойафзаллар, сумкалар, чинни идишлар ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Филиал ходимлари ўтган олти ой мобайнида мўлжалдагидан 100 тадан кўп намунали буюмни ишлаб чиқаришга татбиқ қилдилар. Павильон коллективи корхоналарда янги кийим-кечакларнинг виставкаларини намойиш қилмоқда.

Эртага

Куйбишев районидаги саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва муассасаларининг ишчи ва хизматчилари тушган автобуслар колоннаси Бўстонлиқ районидаги Чимён тоғи бағрига йўл олади. Район меҳнаткашларининг навбатдаги дам олишини намунали ўтказишга катта тайёргарлик кўрилди. Бу дам олишда 2 мингга яқин кишининг қатнови мўлжалланмоқда. Савдо ва умумий овқатланиш ташкилотлари дастлабки тайёргарликни кўриб бўлдилар.

Райондаги Луначарский ва Куйбишев номли маданият уйларининг ҳаваскорлари дам олувчиларга маданий хизмат кўрсатадилар.

Трактор, мебель, [illegible] заводларининг [illegible] корхоналарига тегишли бўлган дам олиш зонасида ҳордиқ чиқаришади. Лак-бўёқ, экскаватор ва бошқа корхоналарнинг [illegible] Чимён қучоғида ором олишади.

●

Якшанба куни эрталаб Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округининг музейида округ жангчилари учун Ленин комсомолининг 60 йиллиги олдидан эрталик ўтказилади. «Туркистон комсомоллари — ватан қаҳрамонлари» деб аталган бу тадбир Улуғ Ватан уруши йилларида жанг майдонларида қаҳрамонлик кўрсатган довюрак Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари шон-шуҳратига бағишланган. Бу эрталикда Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Қудрат Суюнов, Чингиз Тулебердиев, Валдемар Шаландин, Елена Стемпковскаяларнинг жасорати ҳақида ҳикоя қилиб берилади.

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАҲОН ДАВРАСИДА

МАДАНИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Келгуси ойда Италия ва Финляндия мамлакатларида Совет Ўзбекистони маданияти кунлари ўтказилади. Серқуёш республикамиз тарихи ва маданияти учун арзигулик бўладиган бу воқеалар ўзбек халқи социализм йилларида эришган ютуқлари намойиш этилади.

БУГУН

ана шу иккала мамлакатда Ўзбекистон кунларида намойиш этиш учун Тошкент нашриётларида тайёрланган ўзбек китобларининг намуналаридан иборат махсус икки кўргазма жўнатилди. Ўзбекистон ССР полиграфия, нашриёт ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг нашриёт ва китоб савдоси ишлари бўйича [illegible] бошлиғи Н. У. Мажидов кўргазма экспонатлари ҳақида гапириб берди:

— Бу иккала кўргазма умуман [illegible] сифатли ва [illegible] чиройли нашр этилган китоблардан иборат қилиб тузилган. Улар сиёсий-оммавий, илмий, бадиий ва безакли асарлардир. Экспонатлар орасида [illegible] СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг рус тилида чиқарилган «Кичик ер» ва «Тикланиш» китоблари бор. Ўзининг бир олам мазмуни ва катта сиёсий аҳамияти билан китобхон диққатини жалб этадиган, [illegible] бу китоблар ғоятда бежирим ва сифатли қилиб нашр этилган.

Экспонатлар орасида Шароф Рашидовнинг «Совет Ўзбекистони» деган китоби ҳам муносиб ўрин олган. Бундан ташқари С. Турсунмуҳамедовнинг «Улуғ Октябрь ва Совет Ўзбекистонида ижтимоий тузилишнинг ўзгариши», «Халқлар дўстлиги байроғи остида», А. Валиевнинг «Октябрь, маданият, интеллигенция» деган китоблари ҳам бор.

Иккала мамлакатда кўрсатиладиган китоблар кўргазмасида Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Ўрта Осиёнинг қадимий архитектура ёдгорликларини акс эттирган рангли альбомлар, открыткалар ҳам намойиш этилади.

• Сўз — цех партия ташкилоти етакчиларига

ЁРҚИН РЕЖАЛАР

Шу кунларда бутун корхонамиз, цехимиз коллективи КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленуми қарорлари уйғотган ижтимоий-сиёсий активлик ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида ишламоқдалар. Яқиндагина корхонамизда партия ташкилотининг йиғилиши бўлиб ўтди. Кўп минг кишилик коллективимиз вакиллари корхона олдида турган улкан вазифаларни шараф билан бажаришга шай ҳолда турганликларини изҳор этдилар.

Цехимиз партия ташкилоти ана шу вазифаларни ҳар бир киши онги ва қалбига сингдириш учун қизғин иш олиб бормоқда. Янги ўзлаштирилган МТЗ — 8Х маркали серунум тракторларни кўплаб ишлаб чиқариш республикамиз пахтакорларига пахта етиштиришни комплекс механизациялашга кенг имконият яратиб беради. «Оқ олтин» миришкорлари учун аъло сифатли тракторлар, пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицеплар, трактор поездлари туркуми ва бошқа техника воситалари етказиб бериш борасида июль Пленуми қарорлари биз учун ёрқин программа ҳисобланади.

Шу кунларда цехимизда иш қайноқ. **Бу меҳнат жўшқинлигини яна шу нарса билан изоҳлаш мумкинки, цех партия ташкилоти ва партия группаларида ҳисобот-сайлов йиғилишларига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.** Ҳар бир коммунист жанговарлик, саботматонат кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Г. Соловьев, В. Балина, А. Федюшина сингари кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш борасидаги ютуқлари бутун коллектив учун намуна бўлмоқда.

Ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида цех коммунистлари инженер-техник ходимлар шаънига кўпгина танқидий мулоҳазаларни айтган эдилар. Масалан, уларнинг янги корпусни планлаштиришда баъзи камчиликларга йўл қўйишгани ҳақида. Асбоб-ускуналар жой-жойига ўрнатилмаган, натижада ишлаб чиқариш маданияти бир мунча пасайган, смена топшириқларини бажаришда ҳам қийинчиликлар туғилган эди. **Мана, эндиликда ўша йиғилишдан сўнг ўтган давр ичида коммунистларнинг танқидий фикр-мулоҳазалари эътиборга олинди. Ҳозир ишонч билан айта оламизки, цехимизда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини янада ошириш учун кураш кўнгилдагидек олиб борилмоқда.** Меҳнат илғорлари сафи кундан-кунга кенгаймоқда. Цех ишчилари партия ташкилоти раҳбарлигида КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Ишлаб чиқаришнинг янгидан-янги резервларини қидириб топмоқдалар. Ҳар бир иш дақиқасидан унумли фойдаланиб, пахтакорларимиз орзиқиб кутишаётган машина ва механизмларни, эҳтиёт қисмларни юқори сифатли қилиб тайёрлашга интилмоқдалар.

А. НЕКТОВЕНКО,

Тошкент трактор заводи 28-цех партия ташкилотининг секретари.

• Ленин комсомолининг шонли юбилейи олдидан

Шоир қаҳрамони — фахрий тўқувчи

Сўйлаб берай Зайнаб ва Омон Севгисидан янги бир достон

30 йиллар комсомоли, ўтюрак қиз Зайнабнинг жасорати севимли шоиримиз Ҳамид Олимжонни илҳомлантирди, қўлига қалам тутқазди. Зайнаб Омонованинг меҳнатдаги мардлиги, вафоли муҳаббати ҳақида шоир ўзининг машҳур «Зайнаб ва Омон» поэмасини яратди. Ўзбек аёллари орасида биринчи бўлиб, ҳукуматимизнинг юксак мукофоти — Ленин орденига сазовор бўлган аёлни ўз поэмасига прототип қилиб олиш шоирнинг ўзи учун ҳам катта бахт бўлди. Зайнаб Омонова ҳозирда Бухоро область Ғиждувон районидаги Энгельс номли колхозда яшаб, меҳнат қиляпти.

Яқинда Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикасининг Ғафур Шодиев бошчилик қилаётган раклистлар бригадаси ажойиб ташаббус бошлади. «Ленин комсомоли тарихининг ҳар бир қаҳрамонона босқичига — тўқимачиларнинг зарбдор меҳнати!» деган бу ташаббус корхона бўйлаб кенг қулоч ёйди, комбинатнинг фабрика ва цехларидаги ёшлар коллективлари ташаббусни қизғин қўллаб-қувватладилар. Жумладан, учинчи йигирув фабрикасининг Люба Хегай бошлиқ йигирувчи қизлари, иккинчи тўқув фабрикасининг Зина Ҳайдарова етакчилик қилаётган калаваловчи ёшлар коллективи, биринчи тўқув фабрикасининг Илёс Губайдуллин, Юрий Бикин ва Александр Субботинлар бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари биринчилар қатори бу ташаббусни ўз коллективларида кўриб чиқиб, маъқулладилар.

«Ташаббуснинг қаноти бор» дейишади. Бу ҳақ гап. Комбинатда ҳаммаси бўлиб 26 та комсомол-ёшлар коллективлари бу ҳаракатга қўшилдилар.

Ленин комсомоли тарихининг қаҳрамонона босқичларидан дастлабкисига бағишланган зарбдор меҳнат муваффақиятли якунланди. Ташаббускор бригаданинг ўзи планда кўрсатилган 215 минг метр газлама ўрнига 268 минг 250 метр газламага сифатли гул босиб, мусобақа ғолиби бўлди.

Мазкур бригада 3 кишидан иборат. Булар — раклистлар бригадаси етакчиси Ғафур Шодиев, раклист ёрдамчиси Ҳаким Муродов ва газлама сифати назоратчиси Фароғат Тошевалар. Бригада аъзолари ўзаро аҳил, ҳамжиҳат. Бу ажойиб хусусият коллектив муваффақиятларининг асосий омили бўляпти.

Ёшлар коллективининг бир ғайратига ўн ғайрат қўшилди. Ҳозир улар комсомолчасига шижоат, оловқалблик билан меҳнат қилишмоқда.

Ҳар кунги суҳбатлардан бирида ёшларда яна бир янги фикр туғилди. Улар ўз сафларига 30 йиллар комсомоли, таниқли шоиримизнинг машҳур «Зайнаб ва Омон» поэмасига прототип бўлган Зайнаб Омонованинг фахрий аъзоликка қабул қилдилар.

Цехда Зайнаб Омонованинг ҳаёти ва меҳнат фаолиятига бағишланган стенд ташкил қилинди. Барчанинг севикли асарига айланган «Зайнаб ва Омон» поэмасига бағишлаб бригада аъзолари китобхонлар конференцияси ўтказишга қарор қилишди. Шунингдек, ушбу поэмани улар биргаликда қайта ўқиб чиқиб, Зайнаб Омоновани комбинатга учрашувга таклиф қилдилар.

Эндиликда Ғафур Шодиев бригадасининг тўрт аъзоси бор. Бригаданинг уч аъзоси Зайнаб Омонова учун ҳам меҳнат қилиши керак. Бу масъулиятни ёшлар жуда яхши ҳис этишади. Шунинг учун ҳам улар меҳнат суръатларини янада ошира бориб, мусобақанинг иккинчи босқичи мобайнида кунига нормадаги 23 минг 48 метр ўрнига 27.4 минг метр газламага сифатли гул босишга аҳд қилдилар.

Бу эса бригаданинг ВЛКСМнинг шонли 60 йиллик тўйига муносиб совғаси бўлади.

З. ФУЗАЙЛИДДИНОВА,

Б. ЭГАМҚУЛОВ.

«Тўқимачилар овози» газетасининг ходимлари.

Пойтахтимиздаги 153-қурилиш трестининг 1-бошқармаси меҳнат коллективлари ўртасида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйдирилган. А. Ратушняк ва А. Камолитдиновлар бошчилик қилаётган бригадалар ҳам бир-бири билан мусобақалашиб меҳнат қилишмоқда. Мусобақа ҳар иккала коллективга ҳам катта ютуқлар келтиряпти. Улар смена топшириқларини доимо 110— 115 процентга етказиб адо этишяпти. Барча ишлар юксак сифатли қилиб амалга ошириляпти.

СУРАТДА: бир объектда ёнма-ён ишлаётган икки мусобақадош бригада аъзолари.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ оқшоми хатлар

● БИНОКОРНИНГ ЮКСАК БУРЧИ ● МЕҲНАТ КЎТАРИНКИЛИГИ БИЛАН ● ҲУНАР МАСКАНИ СИЗНИ КУТАДИ ● УМРИ БОҚИЙ ДЎСТЛИК

Шаҳримиздаги кўн-галантерея фабрикасида шу кунларда аҳоли дидига мос бежирим ҳар хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Сиз ушбу суратда кўриб турган аёллар фабриканинг пешқадам меҳнат илғорларидир. Халқ назоратчиси А. Савельева ва Т. Лобова ҳамда комсомол аъзоси М. Носировалар маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

• Билим даргоҳи чорлайди

МЕТРОСОЗЛИК МАКТАБИ

Тошкент метросининг биринчи навбати ишга туширилганлиги йўловчиларнинг айни муддаоси бўлди. Лекин уни малакали маҳаллий кадрлар билан таъминлаш мақсадида махсус метросозлик мактаби ташкил этилди.

Фрунзе районидаги Киров номли маданият ва истироҳат боғи олдида жойлашган 170-ҳунар-техника билим юрти эшикларини очганида, унга атиги 96 ўқувчи қадам қўйган эди. Шу кунларда эса унинг синфхоналарида 400 дан зиёд ёш метро эксплуатацияси бўйича замонавий касбларни эгаллаганликлари юзасидан имтиҳонлар топширишмоқда.

Ер ости қасрининг транспортига меҳр қўйган ёш йигит ва қизлар у ерда машинист ёрдамчиси, электр асбобларининг слесарлиги, сантехника ускуналарининг слесарлиги, эскалатор машинистлиги, газ электр пайвандловчилик, метро трассасининг электр қувватини назорат қилувчи монтёрлик касбларини эгаллашди.

Кенжа ва ёш билим даргоҳининг синфхоналари энг такомиллашган ўқув ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда ўрнатилган телевизорлар, магнитофонлар, киноаппаратлар, кўргазмали қурол воситаларининг ҳаммаси таълимга хизмат қилмоқда.

Метросозлик билим даргоҳининг истиқболи порлоқ. Келгуси йилдан бошлаб бу ерда Кавказ ва Ўрта Осиё республикаларининг кенжа метрополитенлари учун кадрлар тайёрлашга киришилади.

Айни пайтда янги ўқув йилига ҳам қизғин тайёргарлик олиб борилмоқда. Бу ерга ҳужжатларни топшираётган ёшлар ўрта мактабларни битирган бўлиб, уларнинг ягона истаги замонавий касб бўлган метросозликни ўрганишдир.

Б. АЛИХОНОВ.

◆ МЕҲНАТ ЧОРАГИ

ДЕҲҚОННИ МАМНУН ЭТИБ

— Ёзги каникулни қувноқ ўтказмоқдамиз, — дейишди С. Раҳимов районидаги 111-ўрта мактаб ўқувчилари.

Ҳақиқатан ҳам ёшлар фахрланишса арзийди. 80 нафар ўқувчи Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози деҳқонларига дала ишларида кўмаклашдилар. Улар 25 гектар ердаги турли сабзавот экинларини бегона ўтлардан тозаладилар. Айни вақтда 30 тонна картошка ва 40 тоннадан ортиқ сабзавотни териб шаҳарга жўнатдилар. Кечки карам кўчатлари экдилар.

Меҳнат ва дам олиш лагерининг кун тартибига кўра қишлоқ мактабларининг ўқувчилари билан ўтказилган волейбол, футбол, теннис ва енгил атлетика мусобақалари жуда қизиқарли бўлди.

Ёзги каникулнинг мазмунли ўтишида педагоглардан А. Қаюмов, Б. Жўраев, Э. Набиев, Т. Муродова ва З. Акромовалар бош-қош бўлишди.

М. ДАМИНОВ.

◆ ТошМИ КОМПЛЕКСИ ҚУРИЛИШИДА

ЮКСАК СУРЪАТГА ЭРИШИБ

Ҳозирги кунда қурилаётган муҳим объектлардан бири пойтахтимизнинг Ҳалқа йўли билан Студентлар шаҳарчаси оралиғида бунёд этилаётган Тошкент медицина институтининг янги корпуслари комплексидир. Бу ердаги умумий қурилиш ишларини «Главташкентстрой»га қарашли 6-трестнинг 7-қурилиш бошқармаси азаматлари тезкорлик билан адо этишяпти.

Бошқарма азаматлари бунёд этаётган ҳар бири 330 ўринли иккита хирургия шифохоналаридан бири — тўртинчи корпус биноси шу йил охиригача фойдаланишга топширилиши керак. Бу ерда Ленин ордени кавалери Жамол Холбоев, Александр Кириенколар етакчилик қилаётган бригада аъзолари объектга пойдевор қўйишдан то сўнгги қурилиш ишларигача бўлган жараёнлари амалга оширишмоқда. Улар ҳар бир дақиқани ғанимат билиб, бор имконият ва резервлардан оқилона фойдаланган ҳолда кун сайин иш суръатини оширмоқдалар.

Шунингдек, мазкур объектда ёрдамчи пудратчи ташкилотлардан Пардозлаш тресги 29-қурилиш бошқармаси, «Ташсантехгазмонтаж» трестига қарашли 2-монтаж бошқармаси, «Таштрансспецстрой» трестининг 72-қурилиш бошқармаси, «Узэлектромонтаж» трестининг коллективлари бош пудратчи билан бир сафда туриб зиммаларига юклатилган вазифани шараф билан адо этишяпти.

Ҳозирги кунда 7-қурилиш бошқармасининг Эркин Мирзоидбоев, Александр Кириенко, Иван Турченколар етакчилик қилаётган бригадаларининг азаматлари 330 ўринли 3, 5-корпуслар ҳамда тери-таносил касалликлари диспансери комплекслари объектларида графикдан ўзган ҳолда иш олиб боришяпти.

Шуниси ачинарлики, мазкур объектларни темир-бетон плиталари ҳамда колонналар билан таъминлашга мутасадди этилган 1.6-темир-бетон буюмлари заводларининг коллективлари ўз вазифаларини сусткашлик билан бажармоқдалар. Натижада 5-корпус биносини монтажлаш ишлари графикда белгиланганидан икки ой кеч бажарилмоқда. Аҳвол шундай давом этадиган бўлса, ёрдамчи пудратчи ташкилот коллективларига ўз вақтида иш фронти яратилмай, комплекслар қурилиши чўзилиб кетиши турган гап.

— Коллективимиз зарбдор йилнинг ярим йиллик планини 106 процент қилиб адо этди, — дейди 7-бошқарманинг 2-участка прораби Исаак Ефимович Китовер. — Олдимизда жуда катта вазифалар турибди. Шунинг учун комплекс объектларига материаллар пешма-пеш етказилиб, барча бунёдкор коллективларнинг бир маромда ишлашлари учун шароит яратилиши керак.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

АҲОЛИ МАМНУН

Яқинда шаҳримизнинг Киров районидаги Жаҳон Обидова номли 33-болалар боғча-яслисида тантанали учрашув бўлди. Бу ерда боғчанинг 50 йиллигига бағишланган йиғилишга боғчада тарбияланувчиларнинг ота-оналари ташриф буюрдилар.

Анна Федоровна Норинкова қарийб 30 йилдирки, шу ерда ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. У оддий тарбиячиликдан боғча мудираси даражасигача кўтарилди. Анна Федоровна ўтган 50 йил мобайнида боғчада қўлга киритилган ютуқлар ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди.

Ҳозир бу ерда етти группа мавжуд бўлиб, уларнинг бештасини боғча, иккитасини эса ясли группалари ташкил этади. Бу группаларда 300 дан зиёд кичкинтойлар камол топмоқда. Уларга тажрибали тарбиячилардан Людмила Галицинская, Мукамбар Назарова, Шоира Абдураимовалар тарбия бериб, болаларни чаққон ва тетик ўсишида ўз маҳоратларини намойиш қилмоқдалар.

Бу йил бу боғчадан 40 кичкинтойни мактаб қучоғига кузатиш кўзда тутиляпти.

А. ФОЗИЛОВ.

КЛУБНИНГ ДАСТЛАБКИ УЧРАШУВИ

«Пахтакор» стадиони ёнидаги «Ёшлик» уйида яқиндагина интернационал дўстлик клуби очилган эди. Бу маданият масканининг асосий вазифаси шаҳримизга жаҳоннинг турли мамлакатларидан меҳмон бўлиб келаётган ҳар хил делегациялар билан учрашувлар ўтказиш, уларга Ўзбекистоннинг социализм йилларида эришган ютуқлари ҳақида гапириб беришдан иборат. Бундан ташқари бу клубда ёш санъаткорларнинг концертларини намойиш этиш ҳам маданий тадбирлар программасига киради.

Куни кеча бўлиб ўтган учрашув кечасида Польша Халқ Республикасининг Краков шаҳри олий ўқув юртлари студентлари меҳмон бўлдилар. Уларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг ёш полиграфчилари мезбонлар сифатида кутиб олдилар. Матбаачилар дўстларига ўзларининг меҳнат муваффақияти, турли шаҳарлардаги тенгдошлари билан олиб бораётган дўстлик алоқалари, ватанпарварлик ишлари ҳақида гапириб бердилар. Шундан кейин «Биз — ватанпарвар, интернационалистлармиз» республика кўригининг лауреати «Баёт» ансамблининг концертини томоша қилиш ҳам мароқли бўлди.

В. УСМОНОВА.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

КЎЧА КЕНГАЙМОҚДА

«Гордорстройремонт» трестига қарашли ремонт қурилиш бошқармасининг йўлсозлари Весна, Сариқўл, Образцов кўчаларини кенгайтиришмоқда. Бу кўчалар сифатли асфальтланди. Натижада 9-маршрут автобуслари Весна кўчаси орқали Аэропортга қатнамоқда.

Сариқўл кўчасини Весна кўчаси билан боғловчи йўл бор-йўғи 3-4 метр эди. Ҳозирда бу ерда равон кўча очилди. Кўчанинг кесишган қисмида янги хиёбон барпо этилди.

Трестнинг 3, 2, 4-ремонт қурилиш бошқармалари Лазо кўчасини кенгайтириб, тўла асфальтдан чиқардилар. Ҳозир Манжара кўчасида қизғин иш олиб борилмоқда. Куйбишев шоссесидан то Лазо кўчасигача бўлган Манжара кўчаси қарийб 8—9 метрга кенгайтирилмоқда. Манжара кўчасининг Сариқўл кўчасидан то Лазо кўчасигача бўлган қисмида асфальтлаш ва кўчани кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда.

И. РУСТАМОВ.

...МАҚТАЙДИ...

ЕТТИ ИҚЛИМ БОҒИ

Тошкент шаҳри атрофидаги Ленин номли колхоз тажриба теплица хўжалигининг довруғи бугунги кунда республикамиздагина эмас, ҳатто Иттифоқимизда ҳам машҳур. Бу ерда етиштирилаётган тилларанг лимонлар Ватанимиз пойтахти Москвадаги Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасида бир неча бор олтин ва кумуш медаль олишга сазовор бўлган.

Яқинда республикада хизмат кўрсатган агроном Зайниддин Фахриддинов бошчилигида бу ерда яна бир кўркам боғ яратилди. Бу боғнинг номи «Қишлик боғ» деб юритилади. Минг квадрат метр майдонни ташкил этган бу боғда етти иқлимдан келтирилган 311 хил мева ва гул ўсимликлари ўстирилмоқда.

Ҳиндистондан келтирилган рахмал, файхуа, бамбук, Япониянинг банан, Арабистоннинг анжир дарахтлари, Мексиканинг арун ва Кубанинг франбуян гуллари боғнинг кўркига-кўрк, ҳуснига-ҳусн қўшмоқда. Келгусида бу ўсимликларнинг турларини янада кўпайтириш кўзда тутиляпти.

Ф. АСАДОВ.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

БУ ҚАНАҚАСИ?

«Бешқайрағоч» ва «Октябрь» массивларидаги газета-журналлар сотиладиган дўконларга илгарилари «Тошкент оқшоми» газетасининг душанба сони сешанба куни тонгги газеталар билан бирга олиб келинарди. Эндиликда эса газетанинг шу кунги сонини эрталаб ҳам, оқшомда ҳам ололмаяпмиз.

Бу массивда яшовчи аҳоли бунинг сабабини билмасдан ҳайрон қолишяпти. Балки шаҳар «Союзпечать» дирекцияси раҳбарлари бунинг сабабини айтиб беришар.

Массив аҳолиси номидан:
А. НУРМУҲАМЕДОВ, Л. ҲАМИДОВ.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида кўплаб ёшлар меҳнат қилишади. Улар айни кунларда ўз зиммаларига олган шахсий мажбуриятларини ВЛКСМнинг 60 йиллик тўйигача бажариш учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Масалан, Насиба Саъдуллаева бригадаси беш йилликнинг уч йили планини СССР Конституциясининг бир йиллиги кунигача бажаришга аҳд қилган.

Бригадада илғорлар жуда кўп. Шулардан бири Озода Абдуллаевадир. У бир неча йилдан бери ана шу корхонада меҳнат қилиб келяпти. Доимо смена топшириқларини ортиғи билан бажариб, бошқаларга намуна кўрсатяпти. Ҳозир унинг шахсий меҳнат календарида 1980 йил бошланди. У бундай муваффақиятга вақтдан, хом ашёдан, илғор иш усулларидан оқилона фойдаланаётганлиги туфайли эришмоқда. У шу билан бирга жамоат ишларида ҳам актив иштирок этиб, Зумрад Йўлчиева, Шаҳло Аҳмедова каби ёш чеварларга мураббийлик ҳам қилмоқда. Унинг шогирдлари ҳам беш йилликнинг уч йили планини СССР Конституциясининг бир йиллиги кунигача бажариб, комсомол тўйини муносиб меҳнат армуғони билан кутиб олиш ниятида тер тўкишмоқда.

Н. НАБИЕВА.

◆ ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН

ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА

Юнусобод массиви кун сайин кенгайиб, аҳолиси кўпайиб бормоқда. Айниқса, Аҳмад Дониш кўчаси атрофида жойлашган микрорайонларда турар жойлар қурилиши тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Ҳозир бу ерга қатнаётган 8, 60-экспресс маршрутларида автобуслар пландан ортиқча ҳаракат қилса ҳам аҳоли серқатнов пайтларда массив аҳолиси эҳтиёжларини қондиролмай қоляпти. Маршрутларда аҳоли кўпайиб кетаётган пайтларда баъзан 8-маршрут автобусларида эса йўловчи кам бўлиб қолади. Бунинг бирдан-бир сабаби бу маршрут автобуслари Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, ТошМИ ва шаҳар маркази томонидан Юнусободга жуда катта айланиш орқали бораётганлигидир. Шунинг учун ҳам Юнусободга қатнайдиган автобуслар маршрутини ўзгартириш ва бу маршрутларда автобуслар сонини кўпайтириш ҳисобига қулайлик яратишга қарор қилинди.

Ана шу мақсадда 5 августдан бошлаб қуйидаги маршрутларга ўзгартишлар киритилди.

8-автобус маршрути. Бу маршрутда қатновчи автобуслар ҳозиргача Я. Колас, Каблуков, Урицкий кўчалари орқали ҳаракат қилиб Энгельс кўчасидан Навоий кўчасига бурилади. Энди эса у Энгельс кўчасидан тўғри қисқа йўл орқали Юнусобод массивига қатнайди. Олой бозоридан Ишчилар шаҳарчаси томонга борадиган йўловчилар эса эндиликда бу оралиқда қатновчи 23-маршрут трамвайларидан фойдаланишлари мумкин.

48-автобус маршрути. Ҳозиргача авиасозлар шаҳарчаси ва Революция хиёбони оралиғида қатнаётган бу маршрут эндиликда Энгельс, Сулаймонова кўчалари, Ленин проспекти, Навоий, Усмон Юсупов кўчалари орқали ҳаракат қилади ва 8-автобус маршрутининг эски йўли бўйлаб Юнусободга қатнайди.

Бу маршрутларда ҳаракат составини тўғри тақсимлаш ҳисобига уларнинг қатнов интервали пландагидек сақланади. Бундан ташқари, эндиликда 8-автобус маршрути Энгельс кўчасида 72-экспресс маршрутини такрорлагани учун 72-экспресс автобусининг «Шаҳристон кўчаси», «Ғалаба боғи», «Қозоғистон» кинотеатри бекатларида тўхтамасдан ўтиши ҳисобига ҳаракат тезлиги оширилади.

5 августдан бошлаб йўлга қўйиладиган маршрутлардаги бу ўзгаришлар Юнусободга қатнайдиган автобуслар сонини кўпайтириш, шунингдек 60 ва 70-экспресс автобус маршрутларида тиқилинч бўлишининг олдини олиш имконини беради.

Н. ПАГНАЕВ,

шаҳар пассажир транспорти ишини координация қилиш бошқармасининг бош инженери.



ЯНГИ ДОРИХОНА

Шаҳримиздаги энг кенжа район ҳисобланган Акмал Икромов райони аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди. Куни кеча бу ерда 109-дорихона ишга туширилди. Бино замонавий усулда қурилган бўлиб, унда барча қулайликлар муҳайё. Бу ерга кирган киши ўзига керакли дори-дармонларни харид қилиши мумкин.

Дорихона лойиҳаси «Ташгипрогор» лойиҳалаш институти ходимлари томонидан яратилган. Бинони пардозлаш ишларини эса Жилстрой трестига қарашли 2-пардозлаш бошқармаси бунёдкорлари қўлдан чиқаришган.

Чапдаги суратда дорихона мудири Қ. Юнусов билан контролёр З. Сайдуллиналар янги келган дориларни яшикларга жойлашмоқда. Ўнгдаги суратда эса дорихонанинг умумий кўриниши тасвирланган.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

◆ РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

ҚОРОНҒИ КЎЧА

Куйбишев районидаги биз истиқомат қилаётган Левитан ва Когин кўчаларини ёритиш мақсадида бетон симёғочлар ўрнатилиб, уларга электр симлари уланди, чироқлар тақилди. Аммо шундан буён орадан анча вақт ўтди. Симёғочлардаги чироқларга ток улаш эса мутасаддиларнинг хаёлига келмаяпти. Симёғочлар эса қоронғи кўчада ҳамон қаққайганича турибди.

Балки шаҳар ёритиш тармоқлари корхонаси раҳбарлари бу ҳақда ўйлаб кўришар.

Аҳоли номидан:
А. БЎРОНОВ.

«УСТАБУЗАР» РЕМОНТЧИЛАР

Киров районидаги Радиальная кўчасида бундан икки ой муқаддам электр узатиш линиясининг бир фазаси узилиб қолган эди. Ремонтчилар келиб узилган симни ўз жойига улаш ўрнига бошқа жойга улаб кетишди. Шундан буён шу кўчадаги 20 дан ортиқ хонадонда чироқлар зўр-базўр қизариб ёнадиган бўлиб қолди. Кучланиш 110— 120 вольтдан ошмайди. Телевизор, холодильниклар ишламаяпти.

Хўш, «устабузар» ремонтчиларнинг бу антиқа ишини энди ким тузатади? Балки бунга шаҳар ёритиш тармоқлари корхонаси раҳбарлари жавоб беришар.

Ш. АСАДУЛЛАЕВ
ва бошқалар.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. ХАЛИЛОВ: Меҳмонхонада турган гражданларнинг буюмлари йўқолиб қолганда ҳодиса учун ким жавобгар ҳисобланади?

Жавоб: Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг гражданлик Кодексида кўрсатилишича меҳмонхоналар, дам олиш уйлари, санаторийлар, ётоқхоналар ва шунга ўхшаш ташкилотлар, бу жойларда яшовчи гражданларнинг ўзларига ажратилган хонада қолдирилган мулкларининг, гарчи бу мулклар (пул ва қимматбаҳо нарсалардан бошқа) шу ташкилотларга сақлаш учун махсус топширилмаган бўлса ҳам уларни тўла-тўкис сақланиши учун жавобгар ҳисобланадилар.

* * *

А. ЗАЙНИДДИНОВ: Мен уч хонали уйда ўн беш йилдан буён истиқомат қилиб келяпман. Бу давр мобайнида фарзандларим вояга етди. Бирини уйлантирдим. Шу боисдан ҳам биз яшаб турган уй торлик қилиб қолди. Айтингчи, ишхонамда навбатга туриб кенгроқ квартира олишга ҳаққим борми, ёки бу нарсани оиламизда вояга етиб, ҳозир меҳнат қилаётган фарзандимиз қилиши керакми?

Жавоб: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советн ижроия комитети турар жой бошқармасидан бизга бу хусусда қуйидаги жавобни беришди. Янги квартира олаётган кишининг ҳар бир оила аъзосига тўққиз квадрат метр ҳисобидан турар жой майдони берилади. Кейинчалик оиладаги фарзандлар кўпайиб, олинган турар жой майдони ҳар бир кишига олти квадрат метр бўлиб қолган тақдирда ҳам санитария нормасига мос ҳисобланади. Борди-ю, турар жой майдони шундан ҳам камайиб кетса, унда номига ордер ёзилган квартира эгаси ёки унинг ишлаётган фарзанди янги квартира олиш учун ариза бериб, навбатга туриш ҳуқуқига эга. Квартирани уларга ўзлари меҳнат қилаётган корхона, ташкилот ёки муассаса маъмурият касаба союз ташкилоти тузган график (навбат) асосида беради.

* * *

Х. НИЗОМОВ: Иш вақтида жароҳатланиб, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган ишчи ва хизматчиларга касалхонада бўлган кунлари учун қандай миқдорда ҳақ тўланади?

Жавоб: Махсус қарорда кўрсатилишича иш вақтида жароҳатланган ёки касб касаллигига дучор бўлган ишчи ва хизматчиларга вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган вақт учун касаллик варақаси берилади ва уларга меҳнат стажи, касаба союз аъзоси ёки аъзоси эмаслигидан қатъий назар иш ҳақининг юз процентлик миқдорида нафақа тўланади.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА
ГАИ АХБОРОТИ

Йўл ҳаракати қоидаларининг 73-бандида ҳайдовчи транспорт воситаларини бошқариш бўйича йўл шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўзига маъқул бўладиган тезликни танлаши лозим дейилган.

7-таксомотор паркига қарашли ГАЗ— 24 маркали 01—09 ТНЖ номерли машинанинг ҳайдовчиси Сергей Храпков ана шу қоидани яхши ўзлаштирмаганга ўхшайди. У Свердлов кўчасида сув сепилган асфальтда машинани соатига 40 километр тезликда ҳайдаб бориб, бурилишни ҳисобга олмади ва машинани столбага олиб бориб урди. Натижада у билан бораётган йўловчи аёл жароҳатланди ва Ўрта Осиё медицина педиатрия институтига олиб борилди.

• *Фан оламида*

ЕР ҲАРОРАТИ—ЭНЕРГИЯ ИСТИҚБОЛИ

Инсониятнинг ҳаёт ва фаолияти доимо энергия истеъмол қилиш билан боғлиқдир. Ҳозирги кундаги ҳар қандай ишлаб чиқаришни: қурилишни, алоқани ва транспортни энергиясиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ибтидоий энергия манбаи бўлиб инсоннинг ўзи ёки ўргатилган ҳайвонлар хизмат қилган. Сўнгра кишилар шамол ва шаршаралар қувватидан фойдаланишга ўргандилар. Кейинроқ ўсимлик ва минерал ёқилғиларнинг ёнишидан ҳосил бўлган химик энергияга кўчдилар. XX аср кашфиёти ҳисобланган атом ядросининг парчаланишидан пайдо бўладиган энергия энг қудратли энергия манбаига айланди. Бунинг қаторига албатта денгиз ва океан сувларининг қирғоққа босиб келиши ва қайтишидан олинадиган энергияни ҳам кўрсатиб ўтиш керак.

Эҳтимолга тўғри келадиган ҳисоблашларга кўра, инсоният ўзининг пайдо бўлган вақтидан бошлаб 6 триллиондан ошиқ киловатт-соат ёқилғи ёнишидан ажраладиган энергияни истеъмол қилган. Албатта энергия истеъмол қилиш асрдан-асрга ўсиб борган. Масалан 1862—1954 йиллар давомида ер юзида энергия ишлаб чиқариш 87 баравар ошган.

Инглиз физикларидан Томсоннинг ҳисоблашларига кўра 2050 йилга келиб бир кишига сарфланадиган энергия 1952 йилдагига нисбатан 8 баравар ошади. Совет олимларидан К. М. Малинин ҳисобларига кўра, агар 2050 йилда бир йилда ўрта ҳисобда бир одам 64 минг киловатт-соат энергия истеъмол қилса (чунки АҚШда шу кунда бир кишига 64 минг киловатт-соат энергия сарфланади), ер юзида келгусида 2050 йили 8 миллиардга етган инсоният 5 триллиондан кўпроқ киловатт-соат энергия сарфлаши мумкин экан. Бу бир йиллик энергия инсониятнинг қадим замонлардан шу кунгача сарфлаган энергияси билан тенг демакдир. Албатта 2050 йилдан сўнг ҳам энергия сарфлаш тобора ошиб боради-ку, ахир!

Бу чексиз ўсишлар, инсоният ўзи учун зарур бўлган энергияни ишлаб чиқа оладими ва унинг манбалари мавжудми, деган саволни туғдириши табиий бир ҳолдир.

Планетамизда энергия манбалари чексиз ва турли-тумандир. Булар қаторига Қуёш, сув, шамол, денгиз суви ҳарорати, атом ядро энергияси ва ниҳоят Ер ҳарорати энергияси киритилади. Биз қуйида фақат биргина Ер ҳарорати—энергия манбаи ҳақида қисқача сўз юритамиз.

Умуман олганда, Ер қаърида ўлчаш қийин бўлган даражада иссиқлик беркиниб ётибди. Лекин у Ер остида бир хил тарқалган эмас. Ер ичкарисига кириб борган сари ҳар 100 метрда ҳарорат 3 даражага ошиб боради. Афсуски, ҳозирги кунда геологлар қўли ушлаган ва кўзи кўрган ер чуқурлиги 3—4 километрдан ошмайди. Агар юқоридаги ҳарорат ошиши Ер марказига қадар ошиб бораверса, у ерда ҳарорат энг юқори даражада бўлади. Лекин бошқа усуллар билан аниқланишига кўра, Ер марказида ҳарорат 4000 даража цельсийдан ошмайди. Шунга кўра агар астрономик рақамлар билан ўлчанадиган ер массаси (5,98—10^{21} тонна) бўлса, унда сақланган ҳарорат энергияси 2050 йилда сарфланадиган энергиядан 36 миллион ва ундан ошиқдир. Олимларнинг ҳисоблашларига кўра, Ер остидан унинг сатҳига ҳар йили 3 триллиондан кўп киловатт-соат энергия чиқар экан. Бу Қуёшдан ерга келаётган энергиядан 2000 баробар кам ва фотосинтездан ажраладиган энергиядан 6 баробар кам бўлса ҳам ҳозирги кунда бутун дунёда истеъмол қилинаётган энергиядан 10 баробар кўпдир.

Бизнинг давримизда Ер ҳароратидан фойдаланиш ҳам унча тараққий этмаган. Бу албатта Ер сатҳининг бир квадрат метр жойига ер ичкарисидан келаётган ҳароратнинг камлиги билан боғлиқдир. Масалан, Волжск ГЭСининг энергиясига тенг бўлган энергияни Ернинг 20 минг метр квадратидан олиш мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозирда табиатнинг ўзи йиғиб берган ҳароратдан иссиқ булоқлар—грейзерлар энергиясидан биринчи навбатда фойдаланилмоқда. Аниқланишига кўра, иссиқ сувлар ер бағридан ҳар йили бир триллиондан кўп киловатт-соатга тенг энергия олиб чиқар экан. Яна шу миқдорда вулқонлар ҳам ер сатҳига энергия олиб чиқадилар.

Ер ҳароратидан фойдаланиш қадим тарихга эга. Масалан, Юлий Цезарь даврида иссиқ булоқ сувларидан ҳаммомларда фойдаланилган. Ҳозирги кунда ер ҳарорати билан турар жойлар, теплицалар, ҳаммомлар иситилмоқда. Ер ҳароратидан Исландияда кенг фойдаланилмоқда. Рейкьявик шаҳри буткул иссиқ сув ҳисобига иситилади. Бундан ташқари далаларни ва теплицаларни суғоришда кенг фойдаланилади. Фиджи оролида океан сувидан туз олишда ер ҳароратидан усталик билан фойдаланилади. Янги Зеландия, Японияда ва Италияда ер ҳароратидан кундалик ҳаётда фойдаланиш жуда ҳам кенг тарқалган соҳадир. Шулар қатори Италияда 300 минг ва Янги Зеландияда 250 минг киловатт-соат қудратга эга бўлган электр станциялар Ер ҳарорати ҳисобига ишлаб турибди. Ҳозирги кунда бутун Венгрия давлати ер остида мавжли иссиқ сув денгизи борлиги аниқланди. Сенд шаҳри олдидаги бир қудуқдан чиқаётган сув ҳарорати 92 даража цельсийга тенг.

СССРда ҳам 50 га яқин ер ости илиқ ва иссиқ сув ҳавзалари борлиги аниқланган. Биргина Ғарбий Сибирда унинг майдони 2 миллион километр квадратга тенгдир. Камчаткада ва Куриль оролларида бу иссиқлик, сув буғлари ҳолатида ер юзасига чиқиб ётибди. Каспий денгизи ҳавзаси, Сихота Алинь ва Саян, Ўрта Осиё, Кавказ, Карпатда ер ости иссиқ сувлари кўплаб топилган ва топилмоқда. Ҳисоблашлар шуни кўрсатмоқдаки, бу ҳарорат ҳисобига 60 шаҳар ва 100 га яқин районни иситса бўлар экан.

Агар 2050 йилга келиб бир йиллик энергия ишлаб чиқиш 3 процентга, аҳоли сони бир процентга ўсади деб тахмин қилсак, 2120 йилга келиб одам бошига энергия ишлатиш бир йилда 250 минг киловатт-соатга тенг бўлиб, аҳоли сони 16 миллиардга етади ва умумий бир йиллик энергия ишлатиш 4 триллиондан ошиқ киловатт-соатга тенг бўлади. Бундай ҳолатда ёки халқлар сони ва энергия ишлатиш миқдори ўсмаган тақдирда ҳам 2185 йилга келиб электр энергияси олинаётган ҳамма Ер юзидаги ёқилғи запаслари тамом бўлиши мумкин. Демак ҳозирги ёқилғи запаслари фақатгина энергия олиш учун сарфланганда ҳам 200 йилга етиши мумкин экан. Лекин улардан химия саноатида ҳам кўплаб фойдаланилади-ку ахир! Бу, дунё энергия ресурсларининг тезлик билан йўқолиб кетишига сабаб бўлмасмикин, деган саволни келтириб чиқарди.

Олимлар бунга салбий — йўқ деб жавоб берадилар. Чунки у йилларга қадар, биринчидан янги энергия манбалари кашф этилиши мумкин, иккинчидан, у даврларга бориб инсонлар олган билан қайта пайдо бўладиган энергия ресурсларидан фойдаланишнинг янги усулларини топадилар ва кенгайтирдилар. Учинчидан, радиактив парчаланишдан ҳосил бўладиган энергиядан фойдаланиш жорий этилади. Ҳисоблашларга кўра, биргина Ер бағрида сақланган ўранда астрономик рақамлар билан ўлчанадиган (6,6—10^{21}) киловатт-соат энергия бор бўлиб, бу миқдор 2120 йилда ишлатиладиган энергия миқдоридан 1,5 миллион баробар кўп, демакдир. Бу, ернинг энергия ресурслари бир неча минг йилларга етишидан далолат бериб турибди. Бу демак, янги энергия ресурсларини излаш ва текширишни тўхтатса бўлади деган гап эмас албатта. Бу йўлда илмий текшириш ишлари давом этаверади. Ҳозирги кунда дейтерий элементидан гелийни олиш (синтез) усули билан ҳам катта ҳажмдаги энергия олиш мумкинлиги аниқланди. Тахминларга кўра, бу усулда ажратилган энергия бир неча миллиард йилга етар экан ва бошқалар.

Агар, борди-ю келгусидаги олимлар протондан гелий ядросини синтез қилиш усулини топаолсалар, унда оддий сувнинг 1 граммидан 75 минг киловатт-соат энергия олиш имконияти пайдо бўлади. Бундай тақдирда ҳозирги Еримиздаги сувнинг ўндан биридан олинган энергия 1 миллиард кишига 4 триллион йилга етар экан. Хулоса қилиб айтганда, Еримизнинг энергия манбалари битмас-туганмас бўлиб, улар ичида ернинг ички ҳарорати ҳам асосий роллардан бирини эгаллайди.

М. ЗОКИРОВ,
геология ва минералогия фанлари доктори.

Ҳар куни пойтахтимизнинг юзлаб меҳмонлари ва шаҳар меҳнаткашлари санъат музейида бўлиб, республика рассомларининг янги расмлари экспозициялари билан қизиқиб танишмоқдалар.
СУРАТДА: музей залларидан бирида.

И. Глауберзон фотоси.

ЛАУРЕАТЛАРНИ КУТАМИЗ

Нукус шаҳрида автоном республика ва Хоразм области халқ театрларининг Ленин комсомоли 60 йиллигига бағишланган зонал кўриги бўлиб ўтди. Чимбой халқ театри Қорақалпоқ драматурги С. Мажитовнинг «Боғдагул» пьесаси асосида яратилган музикали спектаклни кўрсатди. Жюри бу спектаклга юқори баҳо берди.

Ўзбекистоннинг бошқа зоналарида ҳам халқ театрларининг кўриклари бўлиб ўтди. Бу кўрикларнинг лауреатлари ана шу ижодий беллашувнинг якунловчи даврасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бу мусобақанинг якунловчи даврасн шу йил куз фаслида Тошкентда ўтказилади.

(ЎзТАГ).

Л. Н. Толстой туғилган куннинг 150 йиллиги олдидан

Т. ТОЛСТАЯ

ОТАМ БАҒРИДА

Биз эътиборингизга айрим саҳифаларини ҳавола қилаётган кундаликнинг муалифи Татьяна Львовна Толстая (эрининг фамилияси билан Сухотина) буюк ёзувчининг тўнғич қизидир. Татьяна Львовна жуда истеъдодли бўлиб, отасининг ижодий ишларида, жамоатчилик ишларида унга яқиндан ёрдам берган. Унинг жамоатчиликка кенг тарқалган «Ясная Поляналинг дўстлари ва меҳмонлари», «Отам билан ер масаласини ҳал қилганимиз ҳақида», «Толстойнинг кетиши ва ўлими ҳақида» каби мемуарлари ҳам унинг серқирра истеъдод эгаси эканини кўрсатади. Мазкур кундалик ҳам ўша ажойиб мемуарлар қаторидан ўрин олди.

(КУНДАЛИК САҲИФАЛАРИДАН)

1883 йил.

29 апрель. Жума.

Эртага Ясная Поляна қайтаяпмиз. Ҳеч қувонаётганим йўқ. У ерда қандай яшайман — ҳатто тасаввур қилолмаяпман ҳам. Қувонмаяпганимнинг асл сабабини ўзим яхши биламан: бутун ҳамма танишларим шу ерда қолишади. узун ёз давомида мен уларнинг биронтасини кўра олмайман, ҳатто улар ҳақида бирон нарса эшитолмайман ҳам.

2 май. Душанба.
Ясная Поляна.

Биз — Ясная Поляна. Жуда бахтиёр ва жуда мамнунман.

Бугун отам Репиннинг[1] «Телба»сини жуда мақтадилар. Мен ҳам ўзига қиёси йўқ нарса деб ўйлайман. Нақадар жонли, ҳаётий, ишонарли чиққан! Ишланишини айтмайсизми? Репин — ҳақиқатан катта маҳорат эгаси бўлган рассом.

31 июль. Якшанба.

Отам Самарадан[2] соғломлашиб, кучга тўлиб, жуда яхши кайфиятда қайтиб келдилар. Аввалгиларидан ҳам бизга энди яқинроқлар. Биз у киши билан пичан ўримига бордик. Отам ўриб кетавердилар, биз бўлсак текислаб, боғлаб, ғарамга уйиб кетавердик. Отам неча кунлар бўйи ўроқ ўрдилар, биз уларга ноништа олиб бориб турдик, оқибат бир неча аравада пичан ғамлаб олдик. Ҳаммасини қишлоқдаги бир бева хотинга бердик. Унинг эри яқинда қазо қилган, ишлайдиган бошқа ҳеч кими йўқ эди.

Яқинда Колянинг келгани муносабати билан бал қилдик.

1886 йил.

26 март. Чоршанба.
Москва.

Бу оқшом отам кўзимга шундай яхши кўриниб кетдилар-ки... Тушликдан сўнг, биз улар билан Самаринларникига[3] бордик. Чертков нашри[4] учун қайта тайёрлаш мақсадида у ердан китоблар олиб келишимиз керак эди. Отам мени у ергача кузатиб қўйдилар. Керакли нарсани сўраб ўн дақиқа чамаси Соня[5] билан гаплашиб ўтирдим. Кейин отам мени олиб кетгани келдилар. Кўчадан кичкинтойлар учун гипсдан ясалган ўйинчоқ черковни сотиб олибдилар. Яна уни шундайгина қуббасидан кулгили қилиб кўтариб олибдиларки... Ҳеч бўлмаса дахлизга киришларини илтимос қилсак ҳам, ўз черковларидан уялганларидан кирмадилар. Бу ҳол шундай кулгили, шундай азиз эдики... Кейин мен Сонянинг олдида қолдим.

4 апрель. Жума.

Кеча оқшомни Серёжа[6] амакимникида ўтказдим. Вақтимиз чоғ ўтди. Яна Лопатинлар[7], Сухотин ва бошқалар бор эди. Кейин мени олиб кетгани отам келдилар. Биз уйгача яёв келдик. Ажойиб, чиройли ойдин тун. эдики. шу қадар тез келиб қолганимизга ачиндим.

4 август.

Биз билан Ге[8] бобо яшаяптилар. Биз у киши билан узоқ-узоқ суҳбатлашяпмиз.

11 август. Душанба.

Бирдан бир истагим — отам тезроқ тузалсинлар. Оёқларидаги яра яллиғ олиб кетди. Ҳароратлари кўтарилиб, бечорагина жуда азоб чекаяптилар[9]. Ҳозир яраларини қандай боғлаётганларини кўриб турдим. Ўрганиб олиб Алена Королевнанинг[10] оёғини боғлаб қўймоқчиман. Унинг оёғидаги яра ҳам айнан шунинг ўзгинаси. Одам ўзи боғлаётганидан кўра бошқаларнинг шу ишни қилаётганини кузатиб туриши даҳшатлироқ экан. Аленанинг исқирт оёғига малҳам қўйиб боғлаётганимда шу қарорга келдим. Чўчимасдан, осонгина бажардим бу ишларни. Қишлоқда хасталар беҳисоб, биз уларни даволаб оёққа турғазишга ҳаракат қиляпмиз. Кўплари тузалиб кетишяпти. Фақат Спиридоновнинг ўғилчаси нобуд бўлади. У тамоман шишиб кетган. дизентерия билан оғриган.

Ҳозир отам ухлаётганлари учун бўшман. Турганларидан сўнг у кишининг мактубларини ёзиб бераман.

22 ноябрь. Шанба.
Тунги соат 12.

Бугун куни бўйи онам тўғрисида ўйлаб юриб, у кишига жуда ачиниб кетдим. У киши пул топиш учун ҳаракат қилаяптилар, азоб чекаяптилар. Биз яъни мен, Илья, Маша бу пулларга эҳтиёж йўқ, деб ўйлаймиз, лекин қўйлаклар, шу каби майда-чуйдаларга талаб қилаверамиз, биздаги бу қарама-қаршилик уларнинг жаҳлларини чиқаради. Ҳамма яхшиликларга қарши, яъни отам яхши деб билган, ҳақиқатда ҳам яхши бўлган нарсаларга қарши бўлганларни, айниқса ўз ҳаётини яхши томонга буриш учун ҳаракат қилаётганларга нисбатан қаҳрланишларини кўрганимда, жуда хафа бўлиб кетаман. Бу нарсанинг илдизи жуда чуқур. Аниғи — улар отам идеалларини севмайдилар.

1888 йил.
17 февраль. Чоршанба.

Туриб-туриб отам олдиларида турли-туман одамларнинг кўплиги, уларнинг ҳаммадан ҳам менга кўпроқ керак бўлган чоғларида олдиларига яқинлаша олмаслигим алам қилиб кетади. Муносабатларимиз ҳам ажабтовур: кўпинча у киши ўзларини ниҳоятда ёлғиз ҳис қилаётганларини, менинг илиқ муомаламга муҳтожликларини сезиб тураман-у, қандайдир аҳмоқона, ноўрин тортиниш мени отам олдиларига яқинлашимга халақит беради. Бугун менда айнан шундай ҳис ҳукмрон, лекин биламан-ки, ҳозир кириб қолгудек бўлсалар, худди ҳеч нарса бўлмагандек қаерда бўлганим, нима иш қилганим каби икир-чикирлар ҳақида гапириб қалбимнинг туб-тубидаги нарсаларнинг бир чеккасини ҳам очмайман. Мени шундай қилишга мажбур этаётган сабабларнинг бири — Машага нисбатан ғайирлигим. Унга аччиғим келиб «лаганбардорлик қиляпти» деб ўзимни ўзим ишонтирмоқчи бўламан, кейин унинг кўнглини кўтарганлари учунгина мен қўшилмаётганимни намойиш қилиш учун отам айтган нарсаларнинг аксини тасдиқлашга ҳаракат қиламан. Ҳозир шу ҳақда ёзаётган эканман, демак мен ўзимнинг ноҳақлигимни тан оляпман.

Нимага йиғлаяпман? Бу шундай тентаклик ва уят-ки... Ҳозиргина Левка келган эди, унинг ҳадеганда кетавермай, ҳаяллаб ўтириб қолгани менинг шундай қаҳримни келтириб юбордики, сал бўлмаса унга сиёҳдонни отиб юборай дедим. кейин ўзимни тутолмай йиғлаб юбордим. Жуда ажойиб хотин чиқса керак мендан!

Отам айтадиларки, фақат ҳақиқатда севиб қолган одамгина, ўз севган кишисини бахтли қила олишига ишонч ҳосил қилгандан кейингина турмушга чиқиши ёки уйланиши мумкин. Шу сабабларга кўра мен ҳали анча вақтгача турмушга чиқишим мумкин эмас...

Кейинги вақтларда яна жиловимни бўш қўйиб юбордим, натижада яна серзарда бўлиб қолдим Бир пайтлар ҳеч ким ва ҳеч нарса жаҳлимни чиқара олмаслигига, мувозанатимни бузаолмаслигига ишонар эдим. Энди бўлса тамоман акси бўляпти.

17 март.

Ҳали-ҳанузгача бирон киши билан қалин эмасман. Сабабики, мен отам дунёқараши, ҳаётга муносабатига шерик бўлмаганларни жиним севмайди. Унинг фикрдошлари, мухлислари билан яқин бўлиш учун эса мен ҳали бўшман, лойиқ эмасман, шу сабаб уларнинг юксаклиги менинг ғашимга тегиб, қаҳримни қўзғайди. Ана шунда гўё уларга, кўряпсизларми сизларга етаман деб, ўлиб турганим йўқ демоқчи бўлгандек уларнинг фикрига бутунлай зид бўлган нарсаларни гапираверамаи. Лекин бу ҳам энг муҳими эмас: шундай қилиш керакки, мен ҳаммага керак бўлай, яна, ҳеч қачон жаҳлим чиқмасин.

Отам вақт ҳақида яхши гапирдилар, ҳеч нарса билан банд бўлмаганингда вақт ҳамиша етишмайди, бирон бир ишга астойдил киришганингдан кейин эса вақтинг керагидан кўп бўлиб туюлади.

Бугун мен талай ишларни бажардим: тикиш тикдим. хатлар ёздим, тўқидим, олдимда эса ҳали бутун бир оқшом турибди.

Р. ШОМАНСУРОВА
таржимаси.

* * *

Изоҳлар:

1. И. Репиннинг «Попришин» (1882) картинаси назарда тутилган.
2. 1883 йилнинг 21 майидан 28 июнигача Самара губерниясида Л. Н. Толстой қимиз билан даволанади.
3. Ёзувчи ва жамоат арбоби Д. Ф. Самариннинг (1831—1901) оиласи.
4. Оддий халқнинг ўқишига мослашган арзон китобчалар. Бу китобчаларни Толстой билан яқин алоқада бўлган В. Г. Чертков раҳбарлик қилган «Посредник» нашриёти чоп этарди.
5. Софья Дмитриевна — Д. Ф. Самариннинг қизи.
6. Толстой Сергей Николаевич (1826 — 1904) —Л. Н. Толстойнинг катта акаси.
7. Лопатинлар: Лев Михайлович— фалсафа профессори, Владимир Михайлович — юрист. Толстойнинг москвалик танишлари.
8. Ге Н. Н. (1831—1894) — рассом.
9. Яснополяналик бева хотин Анисья Копилова учун пичан ўраётганида Лев Николаевич оёғини қаттиқ жароҳатлайди. Яранинг битиши бир неча ойгача чўзилади
10. Алена Королевна — деҳқон аёл.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ КЕНГАЙМОҚДА

БУДАПЕШТ. Венгрия уй-жой қурилишининг 1990 йилгача мўлжалланган янги перспектив планини тузишга киришилди. Мамлакатда уй-жой қурилиши юзасидан илгари белгиланган ўн беш йиллик планни бажариш давомида 1 миллиондан зиёд квартира қурилган эди.

ЁШЛАРГА КАСБ ЎРГАТИШ

УЛАН-БАТОР. Бу йил Монголияда биринчи ўрта ҳунар-техника билим юртида мингдан зиёд ўқувчи таълим ола бошлайди. Улар ишчи касбларини ўзлаштириш билан бирга ўрта маълумот ҳам оладилар. Келгуси йилдан бошлаб яна учта ҳунар-техника билим юрти таълимнинг янги системасига ўтади. Шу билан МХРП XVII съездининг ёшларни касб танлашга ўргатиш ва тайёрлаш программасини амалга оширишга киришилади.

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНАДИ

БЕЛГРАД. 400 киловольт кучланишдаги Косово-Скопле янги электр линияси ишга туширилди. Бу линия иттифоқдош республикалар— Сербия билан Македониядаги энергетика системасини туташтирди. Энди «Косово» электростанцияси ва «Чердап» гидроэнергетика комплекси Македониянинг ўсиб бораётган саноатини электр билан таъминлашни яхшилайди.

ОЛИМПИАДАДА ҚАТНАШАДИЛАР

ПРАГА. Шу беш йиллик мобайнида ЧССР билан СССР ўртасида тузилган маданий алоқалар плани машҳур совет ва чехословак ашулачилари ҳамда музикачиларининг 80-йилги Москва олимпиадасида қатнашувини назарда тутади. Ҳар иккала қардош мамлакат музика коллективлари ва солистларининг турли маданий тадбирларни ўтказишда кенг иштирокини таъминлашга катта эътибор берилади. Чунончи, «Прага баҳори» ва «Москва юлдузлари», «Братислава лираси» ва «Россия қиши» каби маданий тадбирлар ўтказилади. Оренбург билан СССРнинг ғарбий чегараси ўртасидаги газ қувури иншоотида ишлаётган Чехословакия бинокорлари учун эстрада концертлари қўйиб берилади.

ИҚТИСОДИЙ ТАНГЛИК ИСКАНЖАСИДА

БРЮССЕЛЬ. Иқтисодий танглик чўзилиб кетганлиги натижасида Бельгиянинг металлургия саноати оғир аҳволга тушиб қолди.

Бельгия металлургия компаниялари бирлашмасининг бу ерда эълон қилинган йиллик докладида айтиладики, агар 1977 йилда пўлат ишлаб чиқариш Европа иқтисодий ҳамжамиятида 1974 йилдагига нисбатан 19 процент камайган бўлса, Бельгияда 31 процент камайди.

∴ ∴ ∴

НЬЮ-ЙОРК. АҚШнинг кемасозлик саноати жуда чуқур танглик ҳолатига тушиб қолди. Буни граждан ва ҳарбий экспертларнинг бир группаси ҳарбий денгиз кучлари министри ёрдамчиси И. Х. Хидалго раҳбарлигида ўтказган текширишлар яққол кўрсатиб турибди.

Тадқиқотчилар АҚШнинг етакчи кемасозлик корхоналаридаги ишларнинг аҳволини анализ қилиб, бошланаётган танглик аломатлари ҳозирнинг ўзидаёқ кўриниб турибди ва агар қатъий чоралар кўрилмаса, кемасозлик саноатида ишловчилар сони 1982 йилга бориб 20 процент, 1986 йилга бориб эса 52 процент камаяди, деган хулосага келдилар.

(ТАСС).

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон билан СССР ўртасида ўзаро манфаатли савдо алоқалари тўхтовсиз ривожланмоқда. 1953 — 1975 йиллар даврида улар ўртасидаги савдо оборотининг ҳажми 13 миллион рупиядан 7,5 миллиард рупияга етди. Ҳозирги кунда Совет Иттифоқи Ҳиндистон билан энг кўп савдо қилаётган тўртинчи мамлакат бўлиб қолди. Мамлакат савдо-саноат доираларининг органи «Экономик таймс»нинг фикрича, Ҳиндистон билан савдо алоқаларини ривожлантириш жиҳатидан СССР тағин ҳам юқорироқ поғонага кўтарилиб бормоқда.

Ҳиндистон чет мамлакатларга сотаётган чой, кофе, ширинликлар, пойафзал ва жут буюмлар каби анъанавий моллар билан бир қаторда хилма-хил саноат буюмларини, пўлат конструкцияларни, дори-дармонларни Совет Иттифоқи тобора кўпроқ харид қилмоқда, Ҳиндистон СССРдан машина-ускуналар, нефть маҳсулотлари, ўғитлар, рангли металлар, шунингдек СССР ёрдами билан барпо этилаётган объектлар учун ускуналар олмоқда.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида 1976— 1980 йиллар учун тузилган савдо битими савдо-сотиқ ҳажмини бир ярим-икки баравар кўпайтиришни кўзда тутади. Иқтисодий ҳамкорликнинг янги соҳаларини топишга ёрдам берувчи миллий виставкалар ва ярмаркалар бу мақсадга эришишда катта роль ўйнайди.

(ТАСС).

ПХР. Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан бунёд этилаётган «Катовице» комбинати Польша металлургиясини ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Бу ерда дастлабки пўлат қуйма ишлаб чиқарилганига бир ярим йил бўлди. Ҳозир комбинат мамлакат пўлат маҳсулотининг 20 процентдан ортиқроғини етказиб беряпти.

СУРАТДА: прокат станини монтаж қилиш.

ЦАФ— ТАСС фотоси.

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

ВАШИНГТОН. Жон Кеннеди номидаги санъат марказининг ижрочи директори М. Файнстейн СССР билан АҚШ ўртасида маданият ва санъат соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантириш кераклигини айтди.

У ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: америкаликлар Совет Иттифоқидан келган артистларнинг чиқишларини ҳар доим зўр қизиқиш билан кутиб олмоқдалар. Бутун дунёга танилган совет коллективларининг деярли ҳаммаси Кеннеди марказида концертлар берган. Большой театр балет ва опера труппаларининг, И. Моисеев раҳбарлигидаги ансамблнинг, Грузия ва Украинадан келган рақкосларнинг концертлари ҳамиша зўр муваффақият билан ўтади.

Бу мавсумда ҳам, деди М. Файнстейн, Совет Иттифоқидан келган артистларнинг гастроллар бериши кутилмоқда. Бундан кейинги вақтлар учун ҳам мўлжаллаб қўйилган катта планларимиз бор.

Кеннеди марказининг ижроия директори айтдики, АҚШда совет маданиятига ва санъатига қизиқиш сира камайгани йўқ. Америкаликлар Совет Иттифоқи тўғрисида, унинг халқи ҳақида мумкин қадар кўпроқ нарсаларни билишни истайдилар. Бу соҳада СССР билан АҚШ ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ғоят фойдалидир, чунки бу алоқалар халқимизнинг бир-бирларини яхшироқ билиб олишларига ёрдам беради.

(ТАСС).

41 СССР ЧЕМПИОНАТИ

БИРИ-БИРИГА ЎХШАМАЙДИГАН ТАЙМЛАР

Биринчи бўлимнинг 16-минутига қадар тўп уч марта «Торпедо» командасининг дарвозасига киритилди. Фақат учинчи марта дарвоза нишонга олингандан кейин стадион таблосида 1:0 рақами порлади. Аввалги икки ҳодисада учрашувнинг бош судьяси львовлик М. Кусень пахтакорчилар томонидан ўйин қоидаси бузилганлигини эътироф этиб, киритилган тўпларни ҳисобга олмади.

Аммо шу хавфли вазиятлардан ташқари ҳам пахтакорчилар жуда кўп марта автозаводчиларнинг дарвозаси олдида қулай имкониятлар вужудга келтиришди. Учрашувни яхши кайфият ва кўтаринки руҳда бошлаган ҳамшаҳарларимиз асосан ҳужумга аҳамият беришди. Улар майдонда катта тезликда ҳаракат қилиш билан рақибларини ҳақиқий маънода куч синашишга даъват этишди. Торпедочилар эса ҳужумга фақат икки кишини ажратиб, оҳиста ҳаракат қила бошладилар. Аммо имкон туғилиши билан улар тез ва шиддатли қарши ҳужум уюштириша бошлашди. Бундай пайтларда меҳмонлар пахтакорчиларнинг йўл қўйган хатоларидан тўғри фойдаландилар. Пахтакорчилар эса ҳеч қандай хавфли вазият бўлмаган ҳолларда ҳам хатоларга йўл қўя бошладилар. Улар майдонда аниқ мақсадни кўзлаб тез ҳаракат қилиш ўрнига жумбоқ комбинацияларни ишлатишга зўр беришди. Жумладан, пахтакорчилардан Аширов, Корченов, Бакановлар бир неча марта ана шундай жумбоқли комбинация ишлатишди. Улар йўл қўйган хатолардан кейин тошкентликлар дарвозабони Покатилов қўриқлаётган дарвоза олдида хавфли вазиятлар вужудга кела бошлади. Масалан, Ашировнинг қўпол хатосидан фойдаланган торпедочилардан Ванюшин ва Петренколар катта тезликда жарима майдонига яқинлашишди. Фақат тасодиф туфайлигина Ванюшин пахтакорчилар дарвозасини забт этолмади. Шунингдек, Корченов йўл қўйган хатодан кейин Петренко ўта хавфли вазият вужудга келтирди.

Ўйиннинг 14-минутида «Пахтакор»нинг ҳимоячилари Сахаровнинг олдинга ўтиб кетганлигини кўрмай қолишди. У усталик билан тўпни жарима майдонига яқин турган Васильевга етказиб берди. Бу сафар тасодиф туфайли дарвоза даҳлсиз сақлаб қолинди.

Пахтакорчилар ўйиннинг дастлабки минутларида рақибларининг жарима майдонларида бир неча марта хавфли вазиятни вужудга келтиришди. 5-минутда Ан тўпни моҳирлик билан Макаровга етказиб бериб, уни жуда қулай вазиятга чиқарди. Аммо «Пахтакор»нинг ярим ҳимоячиси тўпга етиб боролмади. Шунингдек, В. Федоров ҳам дарвозага тўп йўллаши мумкин эди.

Бироқ, бир неча ўйинда қатнашмаганлиги учун у ўзининг тайёргарлигини сусайтириб юборганлиги маълум бўлиб қолди. У майдонда тез ва аниқ ҳаракат қилолмади. Шунга қарамасдан ўйиннинг 16-минутида майдон эгалари ҳисобни очишга муваффақ бўлишди. Бу қуйидагича содир бўлди. Жарима майдони томон йўлланган тўпга бирданига Федоров ва торпедочиларнинг дарвозабони Зарапинлар бир вақтда етиб келишди. Шу пайт дарвозабон жарима майдонидан чиқиб кетганлигини унутиб қўйиб, тўпни қўли билан ушлаб қолди. Бу қўпол хато учун жарима тўпи белгиланди. Торпедочилар жонли девор ҳосил қилишди. Пахтакорчилардан Ан ва Чуркинлар бўш жой топишга ҳаракат қилишди. Уни топишди ҳам. Ан тўпни моҳирлик билан Чуркинга етказиб берди. У тўпни кучли зарб билан дарвоза тўрига йўллади.

Олдиндан айтиб қўя қолайлик, иккинчи таймда, ҳисоб 1:1 бўлгандан кейин пахтакорчилар худди ана шундай масофадан яна жарима тўпи тепиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Аммо бу сафар мезбонлар ундан тўғри фойдалана олмадилар. Чунки бу мавсумдаги энг яхши учрашувини ўтказган Чиркин бошқа ўйинчи билан алмаштирилган эди. Аширов тепган тўп дарвоза устуни ёнидан ўтиб кетди.

Биринчи таймда тошкентликлар яна бир неча марта ҳисобни ошириш имконита эга бўлдилар. Аммо Баканов томонидан кучли зарб билан тепилган тўп Федоровга тегди. Чуркин томонидан ниҳоятда қаттиқ зарб билан тепилган тўпни меҳмонларнинг дарвозабони жуда катта маҳорат билан майдон ташқарисига чиқариб юборишга эришди.

Назаримизда, пахтакорчилар биринчи таймда ҳисобни ошириш имкониятидан фойдалана омадилар. Бошқа сабаблар билан бирга улар тўп учун курашда сусткашлик кўрсатишди. Баскетбол ўйинида «Қайтган тўп» деган ибора бор. Бу гапнинг маъноси шундаки. ўйинчилар шу қайтган тўпни тез ва моҳирлик билан эгаллаб уни халқага туширишади. «Пахтакор»нинг ҳимоячилари худди ана шундай қайтган тўпларни эгаллаб олишга улгуриша олмади. «Пахтакор» ярим ҳимоячилари ҳаракатидаги ноаниқлик ва келишмовчилик туфайли марказий майдонда бўш жой ҳосил бўлиб қоларди. Меҳмонлар қарши ҳужум пайтида худди ана шу хатодан тўғри фойдаланишди. Худди шу хатолар ва марказий ҳимоячи О. Ашировнинг жуда суст ўйнаганлиги туфайли торпедочилар майдон маркази бўйлаб жуда кўп марта ҳужум уюштирдилар. Айниқса бу нарса торпедочилар составида ўзгариш юз бериб, майдонга Храбростин ва Яковлевлар тушганидан кейин яққол сезилиб турди. Улар бир неча марта жуда қулай вазиятларни қўлдан бой беришди.

«Пахтакор» ва «Торпедо» командалари учрашувини баҳолар эканмиз, бу учрашувнинг биринчи тайми иккинчи таймига бутунлай ўхшамаганлигини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади.

Биринчи бўлимда тошкентликлар майдонда тез ва аниқ ҳаракат қилишиб, ўзига хос услубда ўйин кўрсатишди. Улар майдонда яхши ҳаракат қилишди. Комбинацияларни ниҳоятда чиройли усулда ниҳоясига етказишди. Бу пайтда мезбонлар очко ҳақида эмас, балки чиройли ғалабага эришиш ҳақида кўпроқ ўйлашган бўлишса керак. Аммо улар торпедочиларнинг дарвозасига тўп киритганларидан кейин ташаббусни қўлдан бериб қўйдилар. Шундан кейин уларнинг ҳаракатида ноаниқликлар пайдо бўла бошлади. Умуман пахтакорчиларнинг ҳаракатидаги аниқлик йўқолди.

Умуман пахтакорчиларнинг ўз майдонларида ўтказаётган ўйинларда ана шундай хатога йўл қўйишлари одат бўлиб қолди. Бу хатони бартараф қилиш учун ўйинчилар ва команда тренерлари жиддий ўйлаб кўрмоқлари лозим.

Э. АВАНЕСОВ.

«Пахтакор» ҳақида 15 фикр

В. К. ИВАНОВ, «ТОРПЕДО» КОМАНДАСИНИНГ КАТТА ТРЕНЕРИ, ХИЗМАТ КУРСАТГАН СПОРТ МАСТЕРИ, РСФСРда ХИЗМАТ КУРСАТГАН ТРЕНЕР.

— Бу йил «Пахтакор» олий лигада мустаҳкамланиб қола оладими!

Ўйиндан сўнг «Тошкент оқшоми» учун автозаводчилар мураббийси билан бўлган суҳбат худди ана шундай савол билан бошланди. Фавқулодда бундай саволнинг қўйилиши Валентин Кузьмич Ивановни ҳайратга солди.

— Шубҳасиз деб, жавоб берди у, — бу ҳақда сўз бўлиши ҳам мумкин эмас. Ахир «Пахтакор»дек ўзига хос команда олий лигадан чиқиб кетса кишига бироз ғалати туйилади. Масалан, пахтакорчиларнинг бу йилги мавсумда биз билан ўтказган икки ўйинини олайлик. Очиғини айтганда, улар бу учрашувларда баббаравар беллашдилар. Тошкентда бўлиб ўтган бугунги ўйинда эса улар бизга нисбатан бироз устунлик қилишди. Тошкентликлар ўйиннинг биринчи таймида майдонда актив ҳаракат қилдилар. Лекин бу биринчи таймда холос.

Мен ва менинг тренер дўстларим бугунги кун натижасидан жуда қўрққан эдик. Бу фикрни ўйиннинг бошланишидаги пахтакорчиларнинг активлиги яққол таъкидлади. Тошкентликлар дастлабки минутларда кетма-кет дарвозага ҳужум уюштирдилар. Улар майдон бўйлаб кенг ҳаракат қилишди. Тўпни у қанотдан бу қанотга аниқ етказиб беришди. Ахир ўйиннинг дастлабки ўн минути торпедочиларни озмунча шошириб қўймади. Бу вақт давомида пахтакорчилар бизнинг дарвозамизга уч марта тўп киритиш имкониятига эга бўлишди. Макаров, Федоров, Чуркинлар ана шундай қулай вазиятни қўлдан бой беришди. Лекин пахтакорчилар майдондаги устунлигини яққол исботладилар. Жарима тўпини Ан Чуркинга секингина ташлаб берди. У қулай вазиятдан туриб дарвозани аниқ нишонга олди. Бизнинг дарвозабонимиз Зарапин бу эпизодга тайёр эмас эди. Натижада тўпни шундай ёнгинасидан ўтказиб юборди.

Ҳақиқатни айтиш керакки, иккинчи тайм биринчисига ўхшамади. «Пахтакор» бу 45 минутда олдингисига нисбатан ёмон ўйнади. Натижада биз ташаббусни ўз қўлимизга олдик ва дарвозага бир тўп киритиб ҳисобни тенглаштирдик. Бунинг устига олдинга чиқиб олишимизга ҳам озгина қолди. Хўш, нега бундай вазият содир бўлди? Ўйлайманки, биринчидан пахтакорчилар эртароқ хотиржамликка берилдилар, иккинчидан улар ўз ўйин услубларини ўзгартирдилар. Тошкентликлар олдинга актив ҳаракат қилган вақтларида (улар ҳужумкорликни севадилар ва яхши биладилар). ўйинчиларимиз шошиб қолишган эди. Майдон эгаларининг ҳужумкорлигига фақатгина вақти-вақтида қарши ҳужум билан жавоб беролдилар холос. Назаримда пахтакорчиларнинг энг ишончли ярим ҳимоячиси Макаров ва марказий ҳимоячи Ашировлар бу сафар яхши ўйин кўрсатишолмади. Ана шундан фойдаланган торпедочилар ҳимоячилар ёрдамида бир неча бор тошкентликлар томон ҳужумга ўтдилар. Айниқса бундай эпизодларнинг биридан бизнинг чап қанот ҳимоячимиз Бутурлакин яхши фойдалана олди. У қанот бўйлаб жарима майдончаси томон ҳужумга ўтди. Очиғини айтганда, биз фақатгина унинг ёрдамида жавоб тўпини дарвозага кирита олдик.

— Валентин Кузьмич пахтакорчилар бугунги учрашувда жуда кўплаб хавфли вазият содир қилган ҳолда нима сабабдан фақатгина бир марта тўп кирита олдилар холос. Бунга Сиз қандай қарайсиз!

— Аввало шуни айтиш керакки, ҳозирги замон футболи олдингисидан кескин фарқ қилади. Эндиликда ўйин тезлиги жуда ҳам ошиб кетди. Ҳозирги ўйинчилар майдоннинг барча бурчагидан бир зумда жарима майдонига етиб кела оладилар. Шундай экан доимо ҳимояни эътибордан четда қолдирмаслик керак. Фавқулодда юз берган ҳар бир вазиятда фойдаланиш лозим. «Пахтакор»да эса бундай ўйинчилардан бир нечтаси бор. Булар Федоров, Ан, Макаров, Чуркин, Бакановлардир.

— Илтимос, ҳисобот матчида етакчи ўйинчиларнинг ҳаракатлари ҳақида бир неча оғиз сўз айтсангиз.

— Бу ҳақда нима ҳам дея олардим. Назаримда Макаровда якка беллашувларда жасурлик етишмай қоляпти. Бугунги учрашувда у ва Михаил Ан қулай вазиятни эгаллашда бироз орқада қолишяпти. Бу ҳужумда ҳам, ҳимояда ҳам яққол кўриниб турди. Бир неча бор учрашувларда, қатнашолмаган Федоров ва Бакановлар ҳали тўла ўйин ҳолатига кира олмаганга ўхшайдилар. Чуркин ҳақида бутунлай бошқача фикрдаман. У шубҳасиз бугун жуда яхши ўйнади. Унинг ўрнига бошқа ўйинчини туширганларида бундан ҳатто мен ҳайратда қолдим.

— Сўнгги савол: «Пахтакор»га қандай тилак билдирмоқчисиз.

— Тошкентлик футболчиларнинг яхши ўйин кўрсатишларини чин кўнгилдан истардим. Улар бундай ўйин кўрсатишга қодирдирлар. Шунинг учун ҳам ҳар қандай вазиятда улар ўз ўйин услубларини ўзгартирмасликлари лозим. Қайтараманки, яхши ўйин командага муваффақият ва очколар олиб келади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА
5--6 АВГУСТ СОАТ 19.00 ДА

XV АНЪАНАВИЙ

«МУШТУМ КЕЧАСИ»

ПРОГРАММАДА:

«Муштумнинг очил дастурхони» атрофида «Крокодил», «Перец», (Украина), «Ара» (Қозоғистон), «Хорпуштак» (Тожикистон), «Чалқон» (Қирғизистон)ларнинг образлари билан учрашув, «Муштум» мухбирлари Насриддин Афанди, Эшпўлат Тажанг, Норилла Нарвоний, Қақажон ва Миттивойларнинг кўрган-кечирганлари, аския, латифа, лофлар, ҳазил ва ҳажвий қўшиқлар, миниатюра усталарининг чиқишлари ва ҳоказо ва ҳоказолар.

«МУШТУМ КЕЧАСИ»ГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ШАҲАР ЭЛЕКТРОТРАНСПОРТИ ПАССАЖИРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Пролетар кўчасида контакт тармоғининг ремонт қилиниши муносабати билан

5 ва 6 АВГУСТ КУНЛАРИ СОАТ 9.00 ДАН 18.00 ГАЧА

Қуйидаги трамвай ва троллейбус маршрутларининг ҲАРАКАТИ Ўзгартирилади

1-ТРАМВАЙ МАРШРУТИ— «Тошкент» меҳмонхонасидан темир йўл вокзалига Ленин проспекти, Сапёрний, Кафанов кўчалари орқали Образцов айланма йўлигача ва қайтишда Полторацкий, Кафанов, Сапёрний кўчалари билан сўнгра ўз маршрути бўйича қатнайди;

2-ТРАМВАЙ МАРШРУТИ— Будённий кўчасидан «Узбексельмаш» заводи томонига Кафанов, Сапёрний, Ўзбекистон кўчалари орқали ва сўнгра ўз маршрути бўйича қатнайди. Қайтишда ҳам шу маршрут билан юради.

5-ТРАМВАЙ МАРШРУТИ— ЦУМга, Кафанов, Сапёрний кўчалари ва Ленин проспекти орқали боради;

1, 5, 9, 15 ва 17-ТРОЛЛЕЙБУС МАРШРУТЛАРИ — Привокзалная ва Пролетар кўчаларида ҳаракат тўхтатилади. Бу маршрутлардаги троллейбуслар фақат Чехов кўчасигача қатнайди.

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС БОШҚАРМАСИ.

КИНО

4 АВГУСТДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ— **Эй, бахтли инсон!** (19.00).

Парвоздаги турна — «ЧАЙКА» (18, 21.30). «МОСКВА» (17.30, 19.00). «ВОСТОК» (18, 20, 21.30), «НУКУС» (17.30, 19.20, 21.30).

Уйинчоқ — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (18, 20, 21.30). «ДРУЖБА» (17, 19, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (19, 21.00).

Интерьердаги оилавий портрет — «ДРУЖБА» (20.30), «ҚОЗОҒИСТОН» (17, 20.00).

Менга қайнона бўлинг —«МОСКВА» (20.30).

5 АВГУСТДА

ҚИШҚИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Эй, бахтли инсон!** (10.45, 13.30, 16.15, 19.00).

Парвоздаги турна— «ЧАЙКА» (11.30, 13, 14.30, 16, 18, 21.30), «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.30, 19.00), «ВОСТОК» (10, 12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «НУКУС» (11, 12.30, 14, 15, 17.30, 19.20, 21.00).

Уйинчоқ— «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «ДРУЖБА» (11, 13, 14, 17, 19, 21.00). «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 15, 16, 19, 21.00).

Интерьердаги оилавий портрет — «ДРУЖБА» (12, 15, 18, 20.30), «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 13, 16, 17, 20.00).

Муҳаббат— бу ҳаётдир— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Менга қайнона бўлинг— «МОСКВА» (20.30).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

5 АВГУСТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 Москва шаҳар Люблин районидаги А. Гайдар номли Пионерлар ва мактаб ўқувчилари саройи ашула ва рақс ансамблининг концерти. 10.15 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.45 «Тонгги почта». Музикали программа. 11.15 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.45 Болалар учун. «Граф Ҳаробазорларида». Бадиий фильм. 12.50 «Москвичка». Телевизион клуб. 13.50 «Адабий суҳбатлар». 14.40 «Спортлото» тиражи. 14.55 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 15.40 «Музикали абонемент». Программада Н. Метнер, А. Рубинштейн, Н. Мясковский, И. Стравинский асарлари. 16.10 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 16.45 «Олимпиада-80». 17.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Қушлар байрами». Мультфильм. 19.00 «Ёшлар ва студентларнинг Гаванадаги XI жаҳон фестивалида». 19.45 Ж. Россини. Операларга ёзилган увертюралар. Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг симфоник оркестри ижро этади. 20.15 Л. Н. Толстой туғилган куннинг 150 йиллигига. «Кавказ асири». Телевизион бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ёшлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивалида». Ёшлар карнавали. Гаванадан олиб кўрсатилади. 23.20 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Самарқанд қишлоқ хўжалик институти бадиий ҳаваскорлик коллективи ижро этади. 10.50 Телевизион миниатюралар театри. 11.30 «Ўзбекистон спорти» (рус.). 12.00 «Романтика» телевизион театри. Н. Мирошниченко. «Учинчи авлод». 1-қисм. 13.30 Бутуниттифоқ Темирйўлчилар кунига. «Туганмас манба». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.45 «Кинокўзгудаги ҳаёт» (рус.).

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Малахит қутиси» Болалар учун мультфильм. 17.55 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари». 18.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Курск ёйидаги жангнинг 35 йиллигига. «Ўлмас жасорат» (рус.). 18.55 Телетомошабинларнинг саволларига халқаро масалалар бўйича шарҳловчи жавоб беради. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Қизлар даврасида». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССР халқ артисти Хабиба Охунова концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ғўза парвариши илғорларига тенглашинг!». 22.15 «Телевидение экранида биринчи марта» «Қора қисқичбақа панжасида» Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Фақат гиламларгина эмас, балки сунъий ва табиий толалардан елимлаш методи ёки тўқиш йўли билан амалга оширилган бошқа ҳар қандай гилам маҳсулотлари ва полосларни химчисткага топшириш мумкин.

ГИЛАМЛАРИНГИЗНИ ЯҚИНДА ОЧИЛГАН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФАБРИКА ТОЗАЛАБ БЕРАДИ.

БУЮМЛАРНИ ТОЗАЛАШ ҚУЙИДАГИ АСОСИЙ ОПЕРАЦИЯЛАРДАН ЎТАДИ: **чангини тозалаш, ювиш, доғларни кетказиш.**

ТОЗАЛАШ УЧУН ЮҚОРИДАГИ БУЮМЛАР ЧЕКЛАНМАГАН УЗУНЛИКДА, АММО ЭНИ 4 МЕТРДАН ОРТМАГАН ТАҚДИРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ҳақ прейскурант бўйича тўланади.

Келажакда гиламлар, гилам маҳсулотлари ва полосларни уйга қайтариб элтиб бериш йўли билан қабул қилиш ташкил этилади (бу унчалик кўп ҳақ талаб этмайди). Аҳолига қулайлик яратиш учун гилам маҳсулотларини тозалашга қабул қиладиган ўнта ихтисослашган пункт ташкил этилган:

УЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИ ВА ИШ ВАҚТЛАРИ:

ЛЕНИН РАЙОНИ

16 ПУНКТ — ЦУМ ёнида. Иш вақти соат 10.00 дан—19.00 гача, дам олиш кунлари —якшанба, душанба.

ФРУНЗЕ РАЙОНИ

5 ПУНКТ — Ш. Руставели кўчаси, 28-уй. Соат 8.00 дан — 20.00 гача ишлайди. Дам олиш кунисиз.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

21 ПУНКТ — М. Горький проспекти. Соат 8.00 дан—20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ

7 ПУНКТ — Гагарин кўчаси. Соат 8.00 дан — 20.00 гача ишлайди. Дам олиш кунисиз.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

53 ПУНКТ — Беруний кўчаси. Соат 10.00 дан—19.00 гача. Дам олиш кунлари якшанба, душанба.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ

30 ПУНКТ — Маиший хизмат уйи («Москва» кафеси биносида). Соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари—якшанба, душанба.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ

3 ПУНКТ — Студентлар шаҳарчаси. Соат 8.00 дан —20.00 гача, дам олиш кунисиз ишлайди.

КИРОВ РАЙОНИ

24 ПУНКТ — Бодомзор кўчаси, маиший хизмат уйи. Соат 9.00 дан — 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари —якшанба, душанба.

ҲАМЗА РАЙОНИ

4 ПУНКТ — Лисунов кўчаси, 9-уй. Соат 8.00 дан 20.00 гача, дам олиш кунисиз ишлайди.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ

11 ПУНКТ — Маиший хизмат уйи, Соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари— якшанба, душанба.

АГАР СИЗ ХОҲЛАСАНГИЗ ГИЛАМЛАР, ГИЛАМ БУЮМЛАРНИ ИСТАЛГАН БОШҚА ПУНКТГА ҲАМ ТОПШИРИШИНГИЗ МУМКИН.

УЙДА ЮМШОҚ МЕБЕЛЛАРНИ ПЕНОЧИСТКАЛАШ

«ХИМЧИСТКА» фабрикасининг бу янги хизмат тури яқингинада ташкил этилганига қарамай, ҳозирдаёқ у пойтахтимиз аҳолиси ва ташкилотлари диққатини ўзига тортмоқда.

Ишлов бериладиган буюмларнинг миқдоридан қатъий назар уларни тозалаш учун уйга хизматга чақирилганлиги учун 50 тийин тўланади.

Бир дона кийимни тозалаш вақти ишлов бериладиган майдонига қараб 10 минутдан 40 минутгача давом этади.

Хизмат кўрсатиш кўчма бригадалар томонидан амалга оширилади. Малакали мутахассислар жойларнинг ўзида мазкур буюмларнинг пеночистка имконияти даражасини белгилайдилар.

Пеночистка гилам буюмларнинг (табиий ва сунъий толалардан тўқилган) **рангини тозалайди, ифлос бўлишдан сақлайди. Ишлов берилган газмол бирмунча ёрқин тус олади ва юмшоқ майин бўлиб қолади.**

УЙГА ҚАНДАЙ ЧАҚИРИШ МУМКИН?

Бунинг учун исталган телефон номерини териш ва сиз хизмат кўрсатаётган ходимнинг ўзингиз учун қулай вақтини топишнинг ўзигина кифоя.

ЭСДА ТУТИНГ

53—20—54

(заявкалар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади)

33—56—58

(аризалар дам олиш кунисиз ҳар куни 8.00 дан 20.00 гача қабул қилинади).

Бригаданинг дам олиш кунлари — якшанба ва душанба.

Сайёр бригаданинг иш сифати бўйича таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги адресга юборишингизни сўраймиз: Западная кўчаси, 1-уй, «Химчистка» фабрикасининг дирекцияси. (18-автобус, 7, 14, 24-трамвайлар) ёки телефон бўйича: 53—48—33.

Телефонлар номерларини яна бир бор эслатиб ўтамиз: 53—20—54; 33—56—58. Ана шу исталган телефонлар орқали бошқа заказлар ҳам буюриш мумкин. Жумладан уйга кириб буюмларни тозалаш учун олиб кетишни илтимос қилиш мумкин.

ҚЎШИМЧА СПРАВКАЛАР:

— заявкалар заказчининг қайси районда яшаб турганидан қатъий назар қабул қилинаверади.

— Буюмларнинг миқдори чегараланмайди.

— тозалаш учун тўланадиган ҳақ одатдаги тариф бўйича олинади

— уйга чақирганлик ва ҳар бир буюмни қайтариб уйга элтиб берганлик учун қўшимча равишда 50 тийин ҳақ ундирилади.

— буюртмани бажариб бериш муддати — 7 кун.

— Буюртмачининг айби билан ўз вақтида олинмаган тоза буюмларни қуйидаги адресдан олиш мумкин: Западная кўчаси, 1-уй (18 автобус, 7, 14, 24-трамвайларнинг «Химчистка» фабрикаси» бекати) ёки 5—филиалдан.

Бизнинг бошқа хизматларимиздан ҳам фойдаланишингизни сўраймиз. Унинг асосийларидан бири — кийим-бош ва бош кийимлари, галстуклар, тўр парда ва 1м 70 см.х2м 50 см. катталикдаги тўр буюмлар шерсть ва ярим шерсть одеяллар ва бошқалардир чуночи кийимларни (резиналашган плашлар ҳам), бахмал буюмлар, газмоллар (синтетик буюмлардан ташқари)ни қайта бўяш билан тиклаш мумкин.

ЯНА ИККИТА ХИЗМАТ ТУРИНИ ТАВСИЯ ЭТАМИЗ:

Кийимларни антистатистик ишлов бериш ва шерсть, ярим шерсть ҳамда шунга хос буюмларни куяга қарши туйинтириш учун буюртмалар қабул қилади. Буни фақат қуйидаги адресдаги 2 филиалда амалга ошириш мумкин. Чилонзор массиви, 1 квартал, Пионерская кўчаси.

АГАРДА СИЗ БИЗНИНГ ХИЗМАТИМИЗДАН ТЕЗ-ТЕЗ ФОЙДАЛАНИБ ТУРСАНГИЗ, БУЮМЛАРИНГИЗ ДОИМ АЪЛО КЎРИНИШДА БЎЛАДИ.

«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ.

Киров район халқ маорифи бўлими коллективи маориф бўлимининг методисти Н. Насриддиновага қизи

ДИЛФУЗАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85 хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р. 03512. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1376.